

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.5+658.1(575.1)**

Хасанова Рисолат Баходировна

**Маҳсулот таннархини аниқлашнинг халқаро амалиёти ва
уларни республикамізда жорий қилиш муаммолари**

Ихтисослик: 5A230901 – «Бухгалтерия ҳисоби»

Иқтисод магистри илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Ҳимояга рухсат этилди:
Магистратура бўлими бошлиғи

«__» _____ 2015 й.

Илмий раҳбар:

«__» _____ 2015 й.

Тошкент – 2015

Мазкур магистрлик диссертациясида тўқимачилик корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш амалиётини такомиллаштириш, харажатлар ҳисобининг хорижий тажрибаси ўрганилиб, уни республикада тўқимачилик корхоналари фаолиятига татбиқ этиш имкониятлари таҳлил қилинган. Харажатлар ва маҳсулотлар таннархи таҳлилининг ахборот манбалари ва унда қўлланиладиган усуллар тадқиқ этилган. Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини калькуляция қилишни халқаро усуллар асосида такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар тайёрланган.

This master's thesis textile enterprises to calculate the costs and improve the practice of determining the cost of the product, considering the cost of a study of foreign experience, analysis of options for the implementation of the textile enterprises in the country. Sources of information and analysis of production costs and the costs of the research methods used. Goods (works, services) on the basis of international costing methods, the cost of scientific and practical suggestions for improvement.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтди _____ - сонли баённома “ _____ ” _____ 2015 й.

Илмий раҳбар: _____

Магистрант: Хасанова Р.Б. _____

МУНДАРИЖА

КИРИШ		4
1-БОБ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ АНИҚЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ		
1.1. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида тўқимачилик саноати тараққиётининг кўрсаткичлари ва истиқболлари		10
1.2. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ва унинг тўқимачилик саноати корхоналарининг молиявий фаолиятига таъсири.....		23
Биринчи боб бўйича хулоса.....		
2-БОБ ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ		
2.1. Харажатлар ҳисобини хорижий тажрибаси ва уни республикамиз тўқимачилик корхоналари фаолиятига татбиқ этиш имкониятлари		32
2.2. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш.....		36
2.3. Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини калькуляция қилишни халқаро усуллар асосида такомиллаштириш		55
Иккинчи боб бўйича хулоса.....		
3-БОБ ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ		
3.1. Харажатлар ва маҳсулотлар таннархи таҳлилининг ахборот манбалари ва қўлланиладиган усуллари.....		64
3.2. Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот таннархи таҳлилини такомиллаштириш масалалари.....		72
Учинчи боб бўйича хулоса		
Хулоса		85
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		87
Иловалар		98

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши долзарблиги.

Иқтисодий ва модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув тизимини ташкил этиш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Маълумки, Ўзбекистон жаҳон бозорида хомашё ресурсларининг, масалан, пахта ва бошқа турдаги хомашёларнинг нархи кескин тушиб кетган ҳолатларни кўп мартаба бошидан кечирган.

Шу билан бирга, тўқимачилик ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларида ана шу пахта хомашёсини янада чуқур қайта ишлашни таъминлаш, бўялган ип-калава, трикотаж полотноси ва матолар каби тайёр маҳсулотларни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш, кейинчалик, замонавий технология ва дизайнни фаол ўзлаштириш асосида, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда улкан самарага эриша оламиз»¹.

Иқтисодий ва модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналари мамлакатимизда иқтисодий барқарор бўлишида саноат ишлаб чиқариши марказий бўғинлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг ривожланиши кўпгина иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни бажаришда муҳим ўрин эгаллайди. Бу вазият илмий ишнинг ҳолати учун ҳозирги долзарб соҳа бўлиб ҳисобланади.

Тўқимачилик саноатида кенг қамровли ислохотларни ўтказишнинг асосий шартлари бўлиб, харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг янги тизимларига ўтишдан иборат бўлади. Иқтисодий модернизациялаш шароитида умумий бошқарув ҳисоби тизимида ишлаб чиқариш харажатлари

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодий мамлакатимизда тўқимачилик таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи.16.01.2015 й.

ҳисобини ташкил этиш соҳаси тадқиқот ўтказишнинг асосини белгилаб беради.

Тўқимачилик саноати корхоналари самарали фаолият кўрсатишлари учун эса, хўжалик механизмининг барча элементлари мукамал ишлаши лозим. Хусусан, харажатлар ҳисоби ва таннарх ҳисоблашнинг ички хўжалик механизмининг муҳим элементи сифатида молия-хўжалик фаолиятининг барча босқичларини зарур маълумотлар билан таъминлаш, муқобил бошқарув қарорларини тайёрлаш, улардан самаралисини тадбиқ этиш, ҳисоб, назорат ва таҳлил ишларини ташкил этиш масалалари нафақат жорий йил, балки ўтган йиллар таҳлили ҳамда келажакни прогноз қилишда ҳам муҳим долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Республикада бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди, жумладан: Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Қабул қилинган қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларнинг аксарият қисми молиявий ҳисобга қаратилган. Шу боисдан, бошқарув ҳисобининг назарий, услубий ва ташкилий асосларини бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда тўқимачилик саноати корхоналарида шакллантириш ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Юқоридагиларнинг барчаси тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамиятли эканлигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, тўқимачилик саноатига ихтисослашган турли шакллардаги хўжалик юритувчи субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Тўқимачилик саноати корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таҳлилинини ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш

жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналарида харажатлар ҳисобининг ташкилий ва услубий асослари, маҳсулотлар таннархини калькуляциялаш услубларини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида тўқимачилик саноати тараққиётининг кўрсаткичлари ва истиқболларини белгилаш;

- харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ва унга тўқимачилик корхоналари технологик хусусиятларининг таъсирини аниқлаш;

- харажатлар ҳисобини хорижий тажрибаси ва уни республикада тўқимачилик корхоналари фаолиятига татбиқ этиш имкониятларини очиқ бериш;

- тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини бюджетлаштириш тизимини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш;

- ички хўжалик ҳисоботлари ва трансферт баҳолари тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- тўқимачилик корхоналари фаолияти харажатлар таҳлилининг ахборот манбалари ва қўлланиладиган усулларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- тўқимачилик саноати корхоналарида таъминот-тайёрлов фаолияти таҳлилининг такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги:

– Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида тўқимачилик саноати тараққиётининг кўрсаткичлари ва истиқболлари таҳлил қилинган;

– тўқимачилик корхоналарида харажатлар ҳисобини шакллантиришнинг услубий жиҳатлари ишлаб чиқилган;

– Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» асосида тўқимачилик саноати корхоналари учун харажатлар ҳисобининг ишчи счётлар режаси таклиф қилинган.

– тўқимачилик корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таҳлили, маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш бўйичатаклифлар ишлаб чиқилган;

– тўқимачилик саноати корхоналарида харажатларни шакллантириш бўйича хорижий тажриба ўрганилиб, унинг илғор усулларини қўллаш илмий асосланган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари – маҳсулот таннархини аниқлашни яхлит ва комплекс ҳолда тадқиқ этиш натижасида ҳисобга олишга аниқлик киритилади ҳамда харажатларни оптималлаштиришда юзага келадиган маблағлардан мақсадли ва манзилли фойдаланиш имконияти туғилади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Харажатлар ҳисобини такомиллаштириш масалалари хорижий ва МДҲ мамлакатларининг иқтисодчи олимлари А.Ф.Аксененко, И.А.Белов, Н.Д.Врублевский, К.Друри, В.Б.Ивашкевич, Т.П.Карпова, В.Э.Керимов, И.А.Ламыкин, А.Д.Ларионова,

Р.Мюллендорф, В.Ф.Палий, М.З.Пизенгольц, В.К.Радостовец, С.С.Сатубалдин, Ч.Т.Хорнгрен, Дж.Фостер, Н.Г.Чумаченко, А.Д.Шереметлар томонидан чуқур тадқиқ қилинган.²

Бу борада мамлакатимиз олимлари А.А.Абдуғаниев, А.Х.Раметов, М.Қ.Пардаев, О.М.Жуманов, А.Х.Пардаев, Н.Ю.Жўраев, А.К.Ибрагимов, М.М.Тўлахўжаева, Б.А.Хасанов, О.Бобожонов, Э.Ф.Гадоев, Ш.У.Хайдаров, С.Ю.Юлдашев, О.А.Машарипов, Б.Ю.Мақсудов, Х.А.Ортиқов, М.Ю.Рахимов, Б.Эшнаевлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.³

Аммо, мазкур муаммонинг тўқимачилик саноати корхоналарига хос жиҳатларига оид қатор масалалар етарли даражада ўз ечимини топмаган. Тўқимачилик саноати корхоналарида турли ташкилий-иқтисодий шакллардаги хўжалик юритувчи субъектлар шаклланиши ва улар фаолиятидаги турли масалаларни ҳал этишда мустақиллик берилганлиги, ишлаб чиқариш фаолиятидаги бошқарувда, хусусан ахборот таъминоти тизимида янгича ёндошувлар талаб этилмоқда.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш, бошқарувнинг ахборот таъминотини такомиллаштириш тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Юқорида қайд этилган масалалар диссертация мавзуси ва мақсадини, объектини белгилашга асос бўлди.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, иқтисодий статистик усуллардан фойдаланилди.

²Врублевский Н.Д. Управленческий учет издержек производства: теория и практика. М., 2002. – 352 с.; Друри К. Введение в управленческий и производственный учет. М., 1998. – 224 с.; Керимов В.Э. Организация и методология управленческого учета. М., автореф. докт. дисс., 2001.; Мюллендорф Р., Корренбауэр М. Производственный учет. М., 1996. – 158 с.; Хорнгрен Ч.Т.Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. – М., 1995. – 415 с.; Шеремет А.Д. Управленческий учет. М., 1999. – 512 с.

³Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари.-Тошкент, 2003. -275 б.; Раметов А.Х. Теория и практика управленческого учета на сельскохозяйственных предприятиях. Автореф. дисс. доктор эконом. наук. Воронеж, 2003 г.; Жуманов О. Бошқариш ҳисоби: иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси (Русчадан муаллифлаштирилган таржима). – Тошкент, 2001. -152 б.; Пардаев А. Бошқарув ҳисоби.-Тошкент, 2002.-176 б.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубийт. - Тошкент, 2003.- 247 б.; Бобожонов О, Жуманиёзов К. Бошқарув ҳисоби. - Тошкент, 2005. - 355 б.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот жараёнида олинган таклиф ва тавсияларни амалиётга тадбиқ қилиш тўқимачилик саноати корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш ва такомиллаштириш имкониятини беради.

Тўқимачилик саноати корхоналари бошқарув тизимида ички ва ташқи мақсадлар учун зарур бўладиган ахборотларни шакллантириш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларидан тўқимачилик саноати корхоналарида харажатлар ҳисобини ташкил этиш, олий ўқув юртларида «Бошқарув ҳисоби», «Таннарх калькуляцияси» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий иш таркибан кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 18 та жадвал, 3 та расмлардан иборат. Тадқиқот ишининг матни 102 бетни ташкил қилади.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида тўқимачилик саноати тараққиётининг кўрсаткичлари ва истиқболлари

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув ҳисобини самарали амалга ошириш, айниқса, бошқарув қарорларини энг мақбул вариантларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш, самарали лойиҳалар устида жиддий изланишлар олиб бориш талаби кенгайиб бормоқда, чунки инқироз шароитига тушиб қолмаслик бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бу борада, Президентимиз И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар, “Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000-йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-ёғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011-йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин .⁴

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификатсия қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳукуматнинг чорак якунларига бағишланган йиғилишларида қабул қилинган Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурини ва модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тасдиқланган тармоқ жадваллари ижроси таъминланишини кўриб чиқиш ва уларнинг бажарилиши учун ўз вақтида тегишли чоралар кўриш тартибини жорий этиш даркор”⁵.

⁴ Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.22.

⁵ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 14.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати янада жадал ривожланиб бормоқда. Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори тўқимачилик саноати учун улкан имкониятлар очиб берди. Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган дастур доирасида умумий қиймати 1,7 миллиард долларлик 55 янги инвестиция лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш, жумладан, тугалланган ишлаб чиқариш жараёнига эга вертикал интеграциялашган тўқимачилик мажмуаларини ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда дунёда тўқимачилик саноати маҳсулот экспорт қилаётган тармоқлар орасида юқори рейтингга эга бўлиб, ипдан тортиб тайёр маҳсулотларгача бўлган кенг турдаги ҳилма-ҳил маҳсулотларни экспорт қилмоқда.

Ўзбекистон енгил саноатини мамлакатимиз саноат мажмуидаги энг илғор тузилма ташкил этувчи тармоқлардан бири дейиш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида бу соҳа улуши 2,7, саноат ишлаб чиқаришида 26, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмида 44 фоиздан ортади. Бундай юксак марраларга мамлакатимиз ва хорижий инвесторлар учун жозибадор бўлган бир қатор қулай шарт-шароитлар туфайли эришилди. “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компаниясида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 265 та тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж корхоналари бор. Улар орасида мамлакатимизда хорижий сармояларни ҳимоя қилиш учун яратилган ҳуқуқий база ва амалда қўлланилаётган имтиёз ҳамда преференциялар туфайли ташкил қилинган қўшма корхоналар ҳам кўп.

Тўқимачилик саноатининг ЯИМда улуши, у билан боғлиқ тармоқларга таъсирини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 7.1 %дан 19.5 % қадар ўсганлигини таҳлиллар кўрсатмоқда (1.1-жадвал).

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда ушбу корхоналар йилига 373 минг тонна ип

Тўқимачилик саноатининг ЯИМдаги тахминий улуши ⁶, (фоизда)

Тармоқнинг номи	Йиллар						
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
ЯИМ	100	100	100	100	100	100	100
Тўқимачилик саноатининг улуши:							
Тўғридан-тўғри	2,8	3,7	4,2	5,5	7,0	8,3	10,7
Билвосита	4,3	4,7	5,1	5,9	6,8	7,5	8,8
Ялпи ҳисса	7,1	8,4	9,3	11,4	13,9	15,9	19,5

калава, 282 миллион квадрат метр ип газлама, 81,8 минг тонна трикотаж мато, 168 миллионта тикувчилик-трикотаж буюмлари ва 71,3 миллион жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Бу йил компания корхоналари 1,56 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари, шу жумладан, 421,1 миллиард сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида муҳим стратегик маҳсулот бўлган пахта етиштирувчи ва етказиб берувчи асосий мамлакат бўлиб, дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради. “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси маҳсулотлари Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Американинг 40 дан зиёд давлатига экспорт қилинмоқда. 2011 йил якунларига кўра, маҳсулот экспорти ҳажми 2010 йилга қараганда 160 фоизни ташкил қилди. Жорий йилда экспортга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини, жумладан, маркетинг хизматларни ривожлантириш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорларига фаол олиб чиқиш ҳисобидан кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бу ишлар билан “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси корхоналарининг 40 диллерлик ваколатхонаси шуғулланмоқда. Шунинг таъкидлаш лозимки, хорижий инвестициялар оқимининг барқарор

⁶ “Бозор, пул ва кредит” журнали 2011 йил 5-сон, Б.27.

кўпаяётгани Ўзбекистон енгил саноатини жадал ривожлантиришнинг яна бир кўрсаткичи ҳисобланади. 2011 йилда тармоққа 119,4 миллион доллар инвестиция жалб қилинди ва 27 корхона ишга туширилди. Шу йилнинг охиригача компания Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 150 миллион долларлик инвестицияларни жалб этиш ва 28 янги корхонани ишга туширишни мўлжалламоқда⁷.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган “Ўзбекенгилсаноат” ДАКнинг бошқарув тизимини куйидаги 1.1-расмда акс эттирамыз.


Одатда, хорижий давлатларнинг корхоналарида бухгалтерия ҳисоби юритишга ажратиладиган вақтнинг 90%и бошқарув ҳисобини юритиш ва бошқарув ахборотларини қайта ишлашга қаратилади.

Тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув ҳисобининг асосий мақсади бўлиб, корхона тараққиётини белгиловчи лойиҳалар таҳлили, истиқболни белгилаш, бюджетлаштириш, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисоботни тузиш, оқилона трансферт баҳоларини ўрнатиш ва амалий бошқарув қарорларини мувофиқлаштириш тизими ҳисобланади.

Харажатлар ҳисоби тактикаси эса жорий даврда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, харажатлар ва маҳсулот таннархи калькуляцияси бўйича ҳисоб юритиш, далиллаш, қабул қилинган қарорларни таҳлил ва назорат қилиш, шунингдек, уларнинг ижроси учун жавобгарлик кабилардан иборат.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан бир қаторда унинг енгил саноат тармоғини жадал суръатлар билан ривожлантириш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бундай шароитда бу сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан сўнгги бир неча йиллар давомида саноатнинг бу тармоғини мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва унинг тараққиётига хос бўлган энг муҳим тенденцияларни аниқлаб олиш алоҳида аҳамият касб этади. Худди шунингдек, Ўзбекистон енгил

⁷ www.legprom.uz



1.1-расм. Тўқимачилик саноати корхоналарининг тузилмавий шакли⁸

⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

саноатини ривожлантириш истиқболлари молиявий жиҳатларини белгилашни ҳам бу муаммодан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ана шу қайд этилган икки ҳолатни эътиборга олган ҳолда ушбу мақоламиз доирасида уларга аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз⁹.

Сўнгги бир неча йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодиётида энгил саноатнинг қандай ўрин тутаётганлиги ва унинг тараққиётига хос бўлган энг муҳим тенденцияларни аниқлаш учун, фикримизча, кўрсаткичларнинг бир неча гуруҳидан фойдаланиш, улар ўзгаришини таҳлил қилиш, ўсиш суръатларини таққослаш ва ундан сўнг тегишли хулосаларни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Ана шундай кўрсаткичларнинг айрим гуруҳлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин¹⁰:

1. Амалдаги баҳоларда мамлакат ЯИМ ҳажми; Ўзбекистон энгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми; Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг ЯИМдаги салмоғи;

2. Ўзбекистон бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми; Ўзбекистон энгил саноат корхоналари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми; Ўзбекистондаги инвестицияларда Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг салмоғи;

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлари; Ўзбекистон энгил саноат корхоналари бўйича тўланган солиқлар ҳажми; Давлат бюджети даромадларида Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг салмоғи;

4. Ўзбекистон Республикасининг экспорти; Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг экспорти; Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг мамлакат экспортидаги салмоғи.

⁹Бу нарса, бизнинг назаримизда, принципиал аҳамиятга эга бўлиб, у мамлакатимиз энгил саноатини ривожлантириш истиқболларининг молиявий жиҳатларини белгилашда ўзига хос фундамент вазифасини бажаради.

¹⁰Баъзи бир объектив сабабларга кўра (масалан, мақола ҳажмининг чекланганлиги ва б.) биз бу ўринда тегишли кўрсаткичларнинг фақат энг муҳим тўрт гуруҳини келтириш ва улардан фойдаланиш билан чекланаётган бўлишимизга қарамадан, аслида бундай кўрсаткичлар сони ва уларнинг гуруҳини яна бир неча мартага кўпайтириш ва улардан фойдаланган ҳолда тадқиқ этилаётган масалага нисбатан янада юқориқ даражада аниқлик киритиш мумкин.

Ана шу юқорида келтирилган кўрсаткичларни ўзида мужассам этган 1.2-жадвал (навбатдаги бетга қаранг) маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, уларга таянган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётида енгил саноатнинг тутган ўрни ва кейинги 15 йил давомида унинг тараққиётига хос бўлган муҳим тенденциялар хусусида маълум бир хулосаларни шакллантириш мумкин. Уларнинг энг асосийлари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, таҳлил қилинаётган даврда Ўзбекистон енгил саноат корхоналарининг мамлакатимиз ЯИМдаги салмоғи 7,0%дан (2009 ва 2012 йиллар) 12,7%гача (2004 йил) тебранган (ўзгариш диапазони 5,7 фоизли пункт ёки 181,4%) бўлишига қарамасдан унинг 2001-2012 йиллар оралиғида, умуман олганда, пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини қайд этиш лозим. Бу нарса, айниқса, 2004-2012 йиллар оралиғида яққол кўринади. Бир қанча объектив ва субъектив сабаблари бўлишига қармасдан, бизнинг назаримизда, буни соғлом ҳолат сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ эмас. Масалага мамлакатимизда азал-азалдан етарли даражада ва ҳатто ортиқча хом ашё ресурсларининг мавжудлиги ҳамда улардан самарали фойдаланиш нуқтаи-назаридан қараладиган бўлса, вужудга келган вазиятнинг ниҳоятда ўткирлиги янада ойдинроқ намоён бўлади. Унга мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш зарурлигини инобатга олган ҳолда назар солинса, вазиятнинг анча кескин эканлигини аниқлашимиз мумкин.

Тадқиқотларимиз натижалари вужудга келган вазиятнинг сабабларидан бири сифатида мамлакатимизда енгил саноат корхоналари бўйича сотилган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатларининг ЯИМ ўсиш суръатларидан ортда қолаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2013 йилда 2001 йилга нисбатан мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръати (амалдаги баҳоларда) 24,1 мартани ташкил этган бўлса, худди шу даврда енгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатлари эса 13,4 мартага тенг бўлган. Бу ушбу кўрсаткич ўсиш суръатларининг олдинги кўрсаткич ўсиш суръатларига нисбатан деярли 1,798 марта ортда қолаётганлигини

кўрсатмоқда. Вужудга келган бу вазият ўзига хос диспропорцияни англатиб, уни ўз холига қўйдириб бўлмайди. Хусусан, бу борада таркиб топган фарқни қисқартириш бўйича тегишли ишларни (жумладан, молиявий характердагиларни ҳам) амалга ошириш мақсадга мувофиқ. 2014 ва 2015 йилларда эришилиши лозим бўлган башорат кўрсаткичларининг белгиланган даражалари бу йўналишда маълум бир ишларни амалга ошириш бошлаб юборилганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2014 йилда мамлакатимиз ЯИМини ҳажми 2001 йилга нисбатан 28,2 марта ўсиши мўлжалланган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг даражаси енгил саноат корхоналари бўйича 16,1 мартага тенг бўлиши режалаштирилган (ўртадаги фарқ 1,752 марта). Худди шунингдек, бу кўрсаткичларнинг 2015 йиллардаги даражалари 31,1 ва 19,3 марта қилиб белгиланмоқда (ўртадаги фарқ 1,611 марта). Демак, букелтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари билан енгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатлари ўртасидаги фарқни қисқартириш чоралари кўрилмоқда. Бу фикримизнинг ўз мантиқий асосига эга эканлигини ушбу ҳолатни характерловчи кўрсаткичнинг 2013 йилда – 1,798 га, 2014 йилда – 1,752 га ва 2015 йилда – 1,611 га тенг бўлаётганлиги ҳам тасдиқлайди. Шундай бўлишига қарамасдан, бизнинг назаримизда, бу йўналишда кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни етарли даражада деб бўлмайди. Чунки, юқорида таъкидланганидек, ўзига хос имкониятларга эга бўлган Ўзбекистонда енгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатларининг ЯИМ ўсиш суръатларидан ортда қолаётганлигини соғлом ҳолат деб баҳолаб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари мамлакатимизнинг бу борадаги ўзига хос шарт-шароитлари ва имкониятларини инобатга олган ҳолда, ҳеч бўлмаганда, ЯИМнинг ўсиш суръатларидан паст бўлмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон енгил саноатини ривожлантириш истиқболларининг

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида энгил саноат корхоналарининг
тутган ўрни ва улар тараққиётига хос бўлган тенденциялар***

Т/ р	Кўрсаткичлар	Йиллар ¹¹														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Мамлакат ЯИМ ҳажми, амалдаги баҳоларда, млрд. сўм.	4925,3	7450,2	9844,0	12261,0	15923,4	21124,9	28190,0	38969,8	49375,6	62388,3	78764,2	96589,8	118986,9	139089,5	152998,2
	Ўзбекистон энгил саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми, млрд. сўм.	567,2	876,5	1208,6	1556,7	1833,1	2133,1	2532,8	2993,8	3436,0	4593,1	5640,7	6566,6	7616,5	9139,9	10967,8
	Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг ЯИМдаги салмоғи,%	11,5	11,8	12,3	12,7	11,5	10,1	9,0	7,7	7,0	7,4	7,2	7,0	11,6	12,0	11,9
2.	Ўзбекистон бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми, млрд. сўм.	1320,9	1526,6	1978,1	2629,0	3165,2	4041,0	5903,5	9555,9	12531,9	15338,7	17953,4	22797,3	27557,3	33311,0	39640,0
	Ўзбекистон энгил саноат корхоналари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми, млрд. сўм.	43,15	47,32	104,8	129,5	146,9	168,0	194,3	299,0	170,6	1487,8	1696,1	2035,3	2544,1	3307,4	4464,9
	Ўзбекистондаги асосий капиталга инвестицияларда энгил саноат корхоналарининг салмоғи, %	3,3	3,1	5,3	4,9	4,6	4,2	3,3	3,1	1,4	9,7	9,4	8,9	9,2	9,9	11,3
3.	Ўзбекистон Республикаси бюджетининг даромадлари, млрд. сўм.	1280,5	1877,4	2382,2	2758,7	3598,6	4562,9	6145,4	9235,8	11356,3	13725,4	17879,4	21056,6	25689,0	32112,3	41744,7
	Ўзбекистон энгил саноат корхоналари бўйича тўланган солиқлар ҳажми, млрд. сўм.	11,3	23,7	23,0	20,5	16,8	13,1	23,7	25,6	39,1	82,5	90,1	118,9	148,6	193,2	241,5
	Бюджет даромадларида Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг салмоғи ¹² , %	0,88	1,20	0,96	0,70	0,46	0,46	0,38	0,27	0,34	0,60	0,50	0,56	0,57	0,60	0,60
4.	Ўзбекистон Республикасининг экспорти, млн. АҚШ \$	3170,0	2988,4	3725,0	4853,0	5408,8	6389,8	8991,5	11493,3	11771,3	13023,4	15889,0	19860,9	25818,9	26216,1	35391,7
	Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг экспорти, млн. АҚШ \$	136,1	154,3	213,0	279,8	239,3	315,2	400,5	375,3	385,2	619,0	660,4	825,5	1031,9	1289,8	1702,6
	Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг мамлакат экспортидаги салмоғи, %	4,3	5,2	5,7	5,8	4,4	4,9	4,4	3,2	3,3	4,7	4,2	4,2	4,0	4,9	4,8

*Жадвалда келтирилган рақамлар турли йилларда эълон қилинган статистик тўпламлар ва “Ўзбекенгилсаноат” ДАКнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди

¹¹2014 ва 2015 йиллар учун башорат кўрсаткичлари келтирилмоқда.

¹²Б у ерда ушбу кўрсаткични аниқлашда фақат Ўзбекистон энгил саноат корхоналарида мавжуд бўлган рақамларга таянилди.

молиявий жиҳатлари ҳам ана шу муаммони муваффақиятли ҳал этишга қаратилиши керак.

Иккинчидан, тадқиқот ишлари амалга оширилаётган даврда Ўзбекистондаги асосий капиталга инвестицияларда енгил саноат корхоналарининг салмоғи амалда 1,4%дан (2009 йил) 9,7%гачани (2010 йил) ташкил этган (тебраниш диапазони 8,3%ли пункт) бўлса-да, бизнинг фикримизча, бу ерда вужудга келган ҳолатни таҳлил қила туриб, кўйидагиларни, албатта, қайд этиш жоиз:

а) 2001-2009 йиллар оралиғида мамлакатимиздаги асосий капиталга инвестицияларда енгил саноат корхоналарининг салмоғи нисбатан унча катта бўлмаган даражани (3-5% атрофида) ташкил этиб, у узлуксиз пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу нарса, айниқса, 2003-2009 йиллар оралиғида яққол (5,3%дан 1,4%гача) кўринади;

б) 2010 йилдан бошлаб бу борада вазият кескин ўзгарган ва тегишли кўрсаткичнинг ўртача даражаси олдинги йилларга нисбатан қарийб 2-3 баробарга ортган. Жумладан, 2010-2013 йилларда унинг даражаси 9-10% ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткични юқори даражада (10-11% атрофида) ушлаб туриш 2014-2015 йилларда ҳам кўзда тутилмоқда;

в) шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, 2001-2013 йиллар оралиғида мамлакатимиз енгил саноати корхоналарида асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръати (58,9 марта) шу кўрсаткичнинг мамлакат бўйича умумий даражасидан (20,9 марта) 2,8 марта юқори бўлган. Башорат кўрсаткичларининг дарак беришича 2014-2015 йилларда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2013 йилдаги эришилган даражадан янада юқори бўлади (мос равишда, 103,4 ва 30,0 марта) ва 3 баробардан ошиб кетади.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, фикримизча, асосий капиталга инвестициялар бўйича мамлакатимиз енгил саноати корхоналарида олиб борилаётган ишларни ва бу ерда, айниқса, кейинги йилларда вужудга келган тенденцияни ижобий баҳолаш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимиз енгил саноати ривожининг истиқболлини

инвестицияларсиз ва айниқса, асосий капиталга инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, катта миқдордаги молиявий маблағларнинг сарф қилинишини тақозо этади. Бундай шароитда молиялаштириш манбаларини қидириб топиш, уларнинг оқилона таркибий тузилмасига эга бўлиш, маблағларни тежаб-тергаб ва самарали сарфлаш билан боғлиқ бўлган масалалар кун тартибига қўйиладик, уларни бозор иқтисодиётининг замонавий талабларини инобатга олган ҳолда муваффақиятли ҳал этиш алоҳида долзарблик касб этади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида энгил саноат корхоналарининг тутган ўрни ва улар тараққиётига хос бўлган тенденцияларни аниқлашда мамлакатимиз Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда энгил саноат корхоналарининг салмоғига эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга. 1.2-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, таҳлил қилинаётган даврда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 0,27%дан (2008 йил) 1,20%гачани (2002 йил) ташкил этган (тебраниш диапазони 0,93%ли пункт) бўлишига қарамасдан, бу ерда қарор топган қатъий бир тенденция хусусида фикр билдириш анча мураккаб, чунки турли йилларда тегишли кўрсаткичнинг даражаси учун қарама-қарши йўналишда ўзгарувчанлик хос. Шундай бўлса-да, бизнингча, 2010 йилдан кейин бу йўналишда қатъий бир тенденциянинг таркиб топаётганлиги ҳақида гапириш мумкин. Чунки бу давр учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда энгил саноат корхоналарининг ҳиссаси 0,5-0,6%га тенг бўлмоқда. 2014-2015 йиллар учун мўлжалланган башорат кўрсаткичларининг даражаси ҳам шу атрофда (0,6%) белгиланмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида энгил саноат корхоналарининг тутган ўрни ва улар тараққиётига хос бўлган тенденциялар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантириш нуқтаи-назаридан қаралганда, бизнинг фикримизча, бу ерда вужудга келган ҳақиқий ҳолатни ижобий баҳолаш анча мураккаб. Чунки мамлакатимиз Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда бу тармоқ корхоналарининг роли

деярли сезилмаяпти ва шундайлигича қолаётир. Муаммо Ўзбекистоннинг дунёда пахта етиштирувчи асосий давлатлардан бири ҳисобланиши, пахта етиштиришнинг мамлакатимиз аграр секторида ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги, бу ерда етиштирилган ҳосил мамлакатимиз энгил саноат корхоналари учун асосий хом ашё базаси эканлигини ҳисобга олиб қараладиган бўлса, фикримизча, вазиятнинг ўткирлиги эканлиги янада ойдинлашади. Гап бу ўринда мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида юқори даражадаги қўшилган қийматнинг яратилмаётганлиги, у баъзи сабабларга кўра бошқа жойда (бўғинларда) вужудга келаётганлиги, бундан республикаимиз энгил саноат корхоналари баҳраманд бўлмаётганлиги ва ҳ.к.лар хусусида кетмоқда. Шунинг учун умумдавлат ва умумхалқ манфаатларини эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда энгил саноат корхоналарининг ролини ошириш чораларини кўрмоқ лозим. Албатта, буни бошқа ҳеч нарсани ўзгартирмасдан тармоқ корхоналарига нисбатан фақат фискал юкломани ошириш орқали амалга ошириш керак эмас. Аксинча, буни энгил саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг таркибий тузилмасини ўзгартириш (айрим жойларда – тубдан ўзгартириш), тармоқ корхоналарида юқори даражадаги қўшилган қийматни ўзида мужассам этувчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишига катта эътибор бериш йўналиши орқали ҳал қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, бу нарса комплекс тарзда молиявий характердаги бир неча муаммоларнинг ҳам бозор механизмлари орқали ҳал қилиниши тақозо этади.

Тўртинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётида энгил саноат корхоналарининг тутган ўрни ва улар тараққиётига хос бўлган тенденцияларни Ўзбекистон энгил саноат корхоналарининг мамлакат экспортидаги салмоғи ва унинг ўзгаришисиз тасаввур этиш мумкин эмас. 1-жадвал маълумотлари бу борада энгил саноат корхоналарининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни 5% атрофидаги кўрсаткич билан аниқланиши ва унинг бу даражаси даярли қатъий тарзда (кўрсаткичнинг

айрим йиллардаги даражаси бунлан мустасно) таркиб топганлиги билан кўзга ташланаётганлигини кўрсатмоқда. Бироқ, бизнинг фикримизча, бу ерда айрим мулоҳазаларни қайд этиб ўтмоқ лозим.

Гап шундаки, баъзи бир мамлакатлар учун экспортда енгил саноат корхоналарининг 5%ли даражани эгаллаши ютуқ сифатида эътироф этилиши ва ижобий баҳоланиши мумкин. Шундай бўлса-да, бизнингча, буни Ўзбекистонга нисбатан қўллаб бўлмайди. Чунки мамлакатимиз бошқа мамлакатларга нисбатан пахта хом ашёсига асосланган енгил саноат корхоналарини ривожлантириш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг қиёслаб бўлмайдиган имкониятларига эга. Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, республикаимиз енгил саноат корхоналарининг мамлакат умумий экспортидаги салмоғи истиқболда ортиб бориши лозим. Буни, энг аввало, Ўзбекистон енгил саноат корхоналари экспорти ўсиш суръатларининг умумий экспорт ўсиш суръатларидан юқорилигини таъминлаш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Тўқимачилик саноати корхоналари енгил саноатнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланди ва уларда маҳсулот турларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини 1.3-жадвалда келтириб ўтамыз.

1.3-жадвал натижаларидан кўриниб турибдики, енгил саноати тармоғи бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш асосан, 2011 йилда 2007 йилга нисбатан ипак толаси, трикотаж маҳсулотлари ва тикув маҳсулотлари ошганлигини, қолганлари яъни, пахта толаси, чигит ва кимёвий тола таркибли газламалар эса камайганлигини кўришимиз мумкин. Бундан шундай хулоса қилиш лозимки, енгил саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқарув қарорлари ва бошқарув тизимини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодиётида енгил саноат корхоналари маълум бир мавқега эга бўлиб, кейинги йилларда улар тараққиёти учун ўзига хос тенденциялар таркиб топмоқда. Ўзбекистон енгил саноатини ривожлантириш истиқболлари

**Енгил саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб
чиқариш бўйича кўрсаткичлар***

Кўрсаткичлар	2007	2008	2009	2010	2011	2011 йил 2007 йилга нисбатан ўзгариши
Пахта толаси, минг тн	1009,5	1054,5	576,5	1099,5	98,6	-910,9
Чигит, минг тн	1414,4	1514,6	807,5	1614,7	100,4	-1314
Ипак тола, тн	122,4	144,4	154,9	166,4	143,4	21
Кимёвий тола таркибли газлама	1005	1015	558,7	1025	102,5	-902,5
Трикотаж маҳсулотлари, млн. дона	54,0	61,0	82,9	68,0	104,9	50,9
Тикув маҳсулотлари	42,6	47,4	49,8	52,2	170,6	128

**Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.*

молиявий жиҳатларига нисбатан тегишли қарорлар қабул қилинаётганда, албатта, улар инобатга олинмоғи лозим.

**1.2. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати
ва унинг тўқимачилик саноати корхоналарининг молиявий фаолиятига
таъсири**

Республикамыз енгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигининг ҳозирги ҳолатига баҳо беришда саноат корхоналарининг молиявий барқарорлик ҳолатини характерлашга ёрдам берувчи бир неча муҳим хулосаларга эга бўлишимиз мумкин. Қуйида уларнинг энг муҳимларини келтириш билан чекланамиз:

1. Таҳлил ишлари амалга оширилган давр давомида (01.01.2001-01.01.2015 йиллар) енгил саноат маҳсулотлари сотиш рентабеллиги кўрсаткичининг даражаси учун қуйидаги икки ҳолат хос бўлган: а) 01.01.2001-01.01.2009 йиллар орасида бу кўрсаткичнинг ўзгариши ўзининг беқарорлиги билан ажралиб туради. Унинг даражаси 0,3% дан (01.01.2003

йил) 3,6% гача (01.01.2001 йил) ўзгарган (12 марта даражасида) ва у ўзига хос “камайиш-ортиш-камайиш-ортиш” тенденциясига эга бўлган; б) 01.01.2010-01.01.2015 йиллар орасида эса енгил саноат корхоналарининг маҳсулот сотиш рентабеллиги учун йилдан-йилга муттасил равишда ошиб бориш тенденцияси характерли. Унинг даражаси 2,7% дан (01.01.2010 йил) 9,0%гача (01.01.2015 йил) етиб борган (қарийб 4 мартага ошган). Вазиятнинг бундай эканлиги бу ерда ушбу кўрсаткичнинг даражасини оширишда етарли даражада захираларнинг бор эканлигидан далолат беради ва ундан фойдаланишнинг зарурлигини кўрсатади;

2. Таҳлил даврида енгил саноат корхоналари асосий воситаларининг рентабеллиги кўрсаткичида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлган. У учун ҳам, худди юқоридагидек, қуйидаги икки ҳолат хос: а) 01.01.2001-01.01.2007 йиллар оралиғида ушбу кўрсаткичнинг даражаси беқарор пасайиш тенденциясига эга. Шу даврда унинг даражаси 5,9% дан (01.01.2001 йил) 0,5% гача (01.01.2007 йил) пасайиб келган (қарийб 12,0 марта); б) аксинча, 01.01.2007 йилдан бошлаб кейинги йилларда енгил саноат корхоналари асосий воситаларининг рентабеллиги кўрсаткичи учун барқарор ўсиб бориш тенденцияси характерли. Унинг даражаси 0,5% дан (01.01.2007 йил) 12,3% гача (01.01.2014 йил) кўтарилган (20,0 мартадан кўпроқ). Шундай бўлишига қарамасдан, умуман олганда, 15 сананинг 12 тасида бу кўрсаткич даражасининг 10,0% дан, 10 тасида эса 5,0% дан кам бўлганлиги бу кўрсаткичнинг енгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ўрнининг қанақалигидан дарак беради;

3. Енгил саноат корхоналари айланма маблағларининг рентабеллиги кўрсаткичи тадқиқот ишлари амалга оширилган даврда 0,5% дан (01.01.2007 йил) 27,5% гача (01.01.2014 йил) тебранган бўлса-да, бу кўрсаткичнинг даражаси 01.01.2001-01.01.2007 йиллар оралиғида 15,2% дан 0,5% гача пасайган ва аксинча, ундан кейинги даврда 0,5% дан 27,5% гача кўтарилган. Бир вақтнинг ўзида, ҳар икки оралиқда ҳам ушбу кўрсаткичнинг даражаси учун ижобий (кўтарилиш) ва салбий (пасайиш) томонларга ўзгариш хос. Ана

1.4-жадвал
(йил бошида)

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарининг рентабеллик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгариши¹³

Т/р	Кўрсаткичлар	Й и л л а р														
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1.	Маҳсулот со-тиш рентабеллиги, %да	3,6	1,6	0,3	1,7	0,7	0,6	0,5	3,4	2,9	2,7	3,1	4,3	6,0	8,2	9,0
2.	Асосий воситалар рентабеллиги, %да	5,9	3,0	0,4	2,4	1,2	0,7	0,5	1,7	2,2	3,6	3,6	7,8	9,4	12,3	12,0
3.	Айланма маблағлар рентабеллиги,%да	15,2	7,2	1,5	7,1	2,9	1,8	0,5	6,3	7,3	8,7	8,2	15,1	19,3	27,5	26,7
4.	Ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги, %да	4,4	1,8	0,3	1,9	0,8	0,7	0,5	3,9	3,4	3,2	3,5	5,9	7,5	10,2	10,4
5.	Ўз маблағлари рентабеллиги, %да	5,2	2,7	0,5	3,4	3,3	0,8	0,6	2,3	2,9	3,1	2,9	6,1	8,0	11,4	11,6
6.	Қарз маблағлари рентабеллиги, %да	3,3	1,1	0,2	1,2	0,8	0,6	0,3	1,6	1,8	2,7	3,0	5,7	0,7	1,1	1,2
7.	Мол-мулк рентабеллиги, %да	2,0	0,8	0,1	0,7	0,4	0,2	0,2	0,9	0,8	1,4	1,5	3,0	3,9	5,6	5,9
8.	Умумий рентабеллик, %да	9,8	7,5	3,0	2,8	3,8	4,6	3,3	3,5	4,1	8,3	5,6	10,5	12,4	13,2	17,8

¹³ Жадвалда келтирилган барча жадваллар “Ўзбекенгилсаноат” ДАКнинг тегишли йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган ва улардаги 2015 йилга тегишли бўлган рақамлар ўз ичига прогноз (башорат) кўрсаткичларини олади.

шуни ҳисобга олган ҳолда бу кўрсаткични таҳлил даврида аниқ бир тенденцияга эга бўлмаган кўрсаткичлар қаторига киритишимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ушбу масалага нисбатан тегишли ишларнинг мамлакатимиз энгил саноат корхоналарида етарли даражада ва қатъий равишда йўлга қўйилмаганлигидан дарак беради;

4. Жадвал маълумотлари мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги кўрсаткичи таҳлил даврида 0,5-10,4% оралиғида бўлганлигини кўрсатмоқда. Унинг даражаси 01.01.2001-01.01.2004 йиллар давомида қарама-қарши йўналишда ўзгариб тутган бўлишига қарамасдан, умуман олганда, 01.01.2001-01.01.2007 йиллар оралиғида пасайган. Олдинги йилга нисбатан 01.01.2008 йилда энгил саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги кўрсаткичи кескин кўтарилган бўлса-да, навбатдаги икки санада у яна бироз пасайган. 01.01.2011-01.01.2015 йиллар оралиғида эса ушбу кўрсаткичнинг даражаси учун йилдан-йилга муттасил равишда ўсиб бориш хос. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги ушбу кўрсаткичнинг даражасига нисбатан ҳам юқоридаги 3-пунктда айтилган фикрларнинг ўз кучини сақлаб қолиши мумкинлигини кўрсатмоқда;

5. Энгил саноат корхоналари ўз маблағларининг рентабеллиги, энг аввало, 01.01.2001-01.01.2007 йиллар орасидаги ўзининг беқарорлиги, қарама-қарши йўналишларда ўзгариб турганлиги (асосан, пасайганлиги), бу жараён 5,6% (01.01.2001 йил) ва 0,5-0,6% (01.01.2003 ва 01.01.2007 йиллар) ўртасида амалга оширилганлиги, 01.01.2007 йилдан кейинги саналарда эса (бундан 01.01.2011 йил мустасно) 01.01.2015 йилгача муттасил равишда ортиб борганлиги ва бу жараён 0,5% (01.01.2007 йил) билан 10,4% (01.01.2015 йил) оралиғида амалга оширилганлиги билан характерланади. Демак, бундан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимиз энгил саноат корхоналари ўз маблағларининг рентабеллигини 20,0 мартадан кўпроқ оширишга эришилган;

6. Енгил саноат корхоналари қарз маблағларининг рентабеллигига тегишли бўлган ҳолатни 01.01.2001-01.01.2015 йиллар оралиғида, бизнинг фикримизча, қуйидаги 3 даврга бўлиш мумкин: а) 01.01.2001-01.01.2007 йиллар – бу даврда енгил саноат корхоналари қарз маблағларининг рентабеллиги кўрсаткичига беқарорлик, қарама-қарши йўналишларда ўзгариб турганлик (асосан, пасайганлик), бу жараён 3,3% (01.01.2001 йил) ва 0,2-0,3% (01.01.2003 ва 01.01.2007 йиллар) ўртасида амалга оширилганлик хос; б) 01.01.2007-01.01.2012 йил) – бу даврда енгил саноат корхоналари қарз маблағларининг рентабеллиги кўрсаткичига, аксинча, барқарорлик, 01.01.2012 йилгача муттасил равишда ортиб борганлик тегишли ва бу жараён 0,3% (01.01.2007 йил) билан 5,7% (01.01.2012 йил) оралиғида амалга оширилганлик билан характерланади; в) 01.01.2012-01.01.2015 йиллар – бу даврда тегишли кўрсаткичнинг даражаси учун кескин камайиш ва 0,7-1,2% даражасида бўлиш хос;

7. Юқоридаги 5-ва 6-пунктларда акс эттирилган хулоса (рақам)ларни таққослаш асосида, бизнинг фикримизча, қуйидаги янги бир хулосага келиш мумкин: таҳлил остига олинган йиллар давомида енгил саноат корхоналари ўз маблағларининг рентабеллиги доимий равишда шу корхоналар қарз маблағларининг рентабеллигидан бир неча баробар юқори бўлган (фақат бундан 01.01.2011 йилдаги ҳолат мустасно). Бир неча баробар юқорилик даражаси жуда кўп ҳолларда 2,0 баробардан 10,0 баробаргача етиб борган. Бу енгил саноат корхоналари ўзларининг хўжалик фаолиятида ўз маблағлардан фойдаланиш самарадорлигига кўпроқ эътибор берган, демакдир. Шу муносабат билан бу нарсанинг бозор иқтисодиёти шароитида айнан шундай бўлиши кераклигининг табиийлигини қайд этиб ўтишимиз керак, албатта. Лекин, бу дегани бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар қарз маблағларидан самарали фойдаланиш масаласини эсдан чиқариши ёки уларга иккинчи даражали масала сифатида қарашлари керак деган маънони англатмайди. Шунинг учун ҳозирги шароитда енгил саноат корхоналари иложи борича ҳам ўз маблағларининг, ҳам қарз маблағларининг самарали

фойдаланишидан бир хил манфаатдор бўлишлари ва уларнинг бир хил даражадаги рентабеллик кўрсаткичига эришилишига ҳаракат қилмоқлари лозим;

8. Енгил саноат корхоналари мол-мулкининг рентабеллигини характерловчи бу кўрсаткичнинг таҳлил ишлари амалга оширилаётган даврдаги ўзгариши учун икки ҳолат хос. Унинг даражаси 01.01.2001-01.01.2007 йиллар оралиғида, бироз тебраниш содир бўлишига қарамасдан 10,0 баробарга пасайган (01.01.2001 йилда – 2,0%; 01.01.2007 йилда – 0,2%). 01.01.2007-01.01.2015 йиллар оралиғида эса, аксинча, йилдан-йилга ортиб бориш (фақат 01.01.2009 йил – бундан мустасно) тенденциясига эга бўлиб, унинг даражаси 0,2% дан 5,9% гача етиб борган, яъни қарийб 30,0 мартага ошган. Албатта, буни ижобий ҳолат сифатида қайд этмоқ лозим. Шундай бўлса-да, бир вақтнинг ўзида қуйидаги ҳолат ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак: 1.4-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, унда келтирилган рентабелликнинг 8 кўрсаткичи орасида мол-мулк рентабеллиги кўрсаткичи енгил саноат корхоналари рентабеллик кўрсаткичининг бошқа турларига нисбатан анча пастлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам бу рақамлардан енгил саноат корхоналари ўзларининг молиявий барқарорликларини таъминлашлари учун шу корхоналарга тегишли бўлган мол-мулкдан самарали фойдаланиш ва уларнинг рентабеллик даражаларини ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратишлари керак, деган хулоса келиб чиқади;

9. Тадқиқот ишлари амалга оширилган давр оралиғида, рентабеллик бошқа кўрсаткичларининг ўзгаришига нисбатан, енгил саноат корхоналари умумий рентабеллиги кўрсаткичининг ўзгариши учун ўзига хослик тегишли. Бу нарса, аввало, унинг 01.01.2001-01.01.2004 йиллар оралиғида узлуксиз пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 3,0 мартадан ортиқ пасайганлиги, 01.01.2004-01.01.2011 йиллар оралиғида эса беқарорлик касб этиб, 2,8% дан 8,3% ўртасида турли йўналишда тебраниб турганлиги ва 01.01.2012-01.01.2015 йиллар оралиғида эса узлуксиз равишда ортиб бориш

тенденциясига (01.01.2011 йилда – 5,6%; 01.01.2012 йилда – 10,5%; 01.01.2013 йилда – 12,4%; 01.01.2014 йилда – 13,2%; 01.01.2015 йилда – 17,8%) эга бўлганлиги ва шу даврда 3,0 мартага ошганлиги орқали намоён бўлади. Маълум маънода, бу кўрсаткич энгил саноат корхоналари молиявий барқарорлигини ҳам умумлаштирилган ҳолда характерлаб беради. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда ушбу кўрсаткич даражасининг 10% дан юқори бўлаётганлигини инобатга олинганда ҳам бу корхоналарнинг молиявий барқарорлик даражаси бозор иқтисодиётининг талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди.

Аmmo бундай узил-кесил хулоса чиқариб, унга нукта қўйишдан олдин яна бир нарсага жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Гап шундаки, энгил саноат корхоналарининг рентабеллигини турли жиҳатларни (маҳсулот сотиш, асосий воситалар, айланма маблағлар, ўз маблағлари, қарз маблағлари, мол-мулк ва умумий) ҳисобга олган ҳолда характерлайдиган рентабеллик кўрсаткичлари таҳлил қилинаётган ҳар бир саналарда бир хил бўлмасдан, ўзгариб туриши, табиийдир. Бундай шароитда алоҳида бир санага тегишли бўлган рақамларга қараб туриб чиқарилган хулосани етарли даражада асосланган хулоса деб бўлмайди. Бошқа бир томондан эса айнан шу рақамларни инобатга олган ҳолда умумий ҳолатни ёки тенденцияни белгилашнинг иложи ҳам йўқ. Бундай вазиятда чиқарилаётган хулосаларнинг илмийлик даражасини ошириш учун таҳлил даврига тегишли бўлган ўртача кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ана шундан келиб чиқиб, энгил саноат корхоналари рентабеллик кўрсаткичларининг тадқиқодимиз даврига тегишли бўлган ўртача даражаларини таҳлил қилишимиз зарур. Таҳлил натижалари 1.5-жадвалда ўз аксини топган.

Демак, 1.5-жадвалда “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарига тегишли бўлган ва 2001-2015 йилларнинг бошидаги саналарда акс этган рентабеллик кўрсаткичларининг 8 тури бўйича уларнинг ўртача даражалари келтирилган. Улар устида мулоҳаза юритиб ва шу кўрсаткичларнинг даражаларини

**“Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарида 2001-2015 йиллар учун
ўртача рентабеллик кўрсаткичлари***

		(йил бошида)
К ў р с а т к и ч л а р		Ў р т а ч а с и
1	Маҳсулот сотиш рентабеллиги, %да	3,24
2	Ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги, %да	3,89
3	Асосий воситалар рентабеллиги, %да	4,45
4	Айланма маблағлар рентабеллиги, %да	10,35
5	Ўз маблағлари рентабеллиги, %да	4,32
6	Қарз маблағлари рентабеллиги, %да	1,68
7	Мол-мулк рентабеллиги, %да	1,82
8	Умумий рентабеллик, %да	7,35

**Жадвалда келтирилган барча жадваллар “Ўзбекенгилсаноат” ДАКнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилга.*

иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига тегишли бўлган худди шундай кўрсаткичлар билан таққослаш натижасида келиб чиқадиган умумий хулоса шундан иборатки, ҳақиқатдан ҳам енгил саноат тармоғи корхоналарининг умумий тарздаги молиявий барқарорлигини характерлайдиган бу кўрсаткичларнинг даражалари бошқа тармоқларга тегишли бўлган худди шундай кўрсаткичларнинг даражаларидан уларнинг кўпларига нисбатан пастдир. Бу эса, ўз навбатида, енгил саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг ана шундай таъминланганлик даражасини юқорига кўтариш борасида тегишли чоралар кўришни тақозо этади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг самарали тизимини жорий қилиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни талаб қилади:

– бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда харажатлар ҳисобини ташкил этиш тажрибасини умумлаштириб, Ўзбекистонда харажатлар ҳисоби концепциясини илмий асослаш;

– харажатлар ҳисобини илмий фан сифатида тушуниш ва бошқарув фаолиятини назарий асосланиши, харажатлар ҳисоби тизими услубиётини айрим жиҳатларини ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистонда бозор муносабатлари ривожланишининг замонавий босқичига мос равишда харажатлар ҳисобининг энг илғор, замонавий ва кенг тарқалган усул ва тизимларини амалда қўллашни асослаш ва имкониятларини аниқлаш;

– харажатлар ҳисоби тизимида бюджетлаштириш, унинг корхона ишлаб чиқариш дастурини, харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ва маҳсулот таннархини режалаштиришдаги ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш;

– харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг илғор усулларини таҳлил этиб, тармоқ корхоналари учун хулоса ва амалий таклифлар бериш;

– харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини аниқлаш тизимида баҳони шакллантириш, инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилиш мақсадида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Амалиётда кўпгина бош бухгалтерлар анъанавий ягона бухгалтерия ҳисоби билан шуғулланадилар. Аксарият корхоналарда харажатлар ҳисоби олиб борилмайди ёки жуда ҳам заиф ривожланган. Ваҳоланки, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлардаги мутахассисларнинг баҳолашларига кўра фирма ва компаниялар бухгалтерлик ҳисоби соҳасидаги иш вақтларининг 90%ини бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритишга сарфлайдилар. Бизнинг корхоналаримизда эса бу нисбатнинг, афсуски, мутлақо аксини кўрамиз. Бунинг сабабини, асосан, иқтисодиётнинг айрим соҳаларида харажатлар ҳисобини ташкил этиш бўйича ягона услубий асоснинг ва услубиётга оид тавсияларнинг йўқлиги, шунингдек, амалиётда унинг эндигина тикланиш ва ривожланаётган даврида эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундай ҳол Ўзбекистон корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг таъсирчан тизимини ташкил этиш бўйича чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.¹⁴

¹⁴ Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубият. – Т.: “Молия”, 2003. – Б. 12-13.

II БОБ. ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2.1. Харажатлар ҳисобини хорижий тажрибаси ва уни республикамиз тўқимачилик корхоналари фаолиятига татбиқ этиш имкониятлари

XIX асрнинг охирига келиб, саноат ишлаб чиқаришининг жадал ривожланиши билан ишбилармонлар дунёсида бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан бошқарув жараёнини таъминлаш, шу жумладан, қарорлар қабул қилиш мақсадлари учун фойдаланиш зарурлигини тушуниб етилди. Натижада ушбу даврда бухгалтерия ҳисобининг кейинчалик ишлаб чиқариш ҳисоби деб аталган қисми юзага келди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга талабнинг ортиши ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотларни қайта ишлаш заруратини юзага келтирди, натижада меъёрлаштириш ва тезкор ишлаб чиқаришни режалаштириш (бюджетлаштириш) услублари яратилишига олиб келди. Мазкур соҳадаги дастлабки ишлар қаторига Х.Эмерсон (1908,1909) ва Дж.Ч.Гаррисон (1911)ларнинг асарларини киритиш мумкин.

Ушбу асарларнинг пайдо бўлиши билан харажатлар ҳисобига дастлабки тамал тоши қўйилган. Бироқ харажатлар ҳисобининг пайдо бўлиш даврини ишлаб чиқариш ҳисоби мавзуларига бағишланган юқорида таъкидланган дастлабки асарларнинг нашр қилиниши билан эмас, балки иқтисодчи-назариётчилар ва муҳандис-амалиётчилар томонидан харажатлар ва ишлаб чиқариш бўйича қарорларни қабул қилиш мақсадлари учун бухгалтерия ҳисоби маълумотлари зарур эканлигини тушуниб етганликлари, яъни бухгалтерия ҳисобининг иккинчи мақсади юзага келиши билан бошланган десак адашмаган бўламиз. Шундай қилиб, харажатлар ҳисоби амалий фаолият ва назария сифатида бухгалтерия ҳисобидан бундан 100 йил аввал ажралган.

Мамлакатимизга харажатлар ҳисоби инглиз тилидан таржима қилинган адабиётлар орқали кириб келганлиги боис инглиз тилидаги терминлар бизда

кенг тарқалди. Мазкур терминларнинг кўплиги эса уларнинг маъноси чалкашишига олиб келмоқда. Инглиз тилида бухгалтерия ҳисобига тегишли бир неча терминлар мавжуд. Тушунчамиздаги бухгалтерия ҳисоби инглиз тилида энг ками билан учта термин билан ифодаланади. Уларнинг ҳаммаси мазкур фаолиятнинг бир қисм қирраларини эмас, балки бухгалтерия ҳисоби мутахассислигининг учта бўғинини ифодалайди.

Масалан, “Book-keeping” термини ҳисобчилик, ҳисоб ёзувларини юритиш деган маънони англатади. Шунга мос равишда “book-keeper” – бухгалтер-ҳисобчи, ғазначи ёки “бухгалтер-операционист” демакдир.

“Accounting” термини эса корхона миқёсида бухгалтерия ҳисобини юритишни англатади. “Accountant” касбий маҳорат ва тегишли дипломга эга тўлақонли бухгалтер деганидир. У нафақат хўжалик ҳаётида юз берган ходисаларни қайд этади, балки тегишли қоидалар асосида ҳисоботларни шакллантириш малакасига ҳам эга.

“Accountancy” – бу ўзига хос билимлар, концепциялар, тамойиллар ва услублар тизими каби бухгалтерия ҳисоби тизимидир. Мазкур бухгалтерия ҳисобидан харажатлар ҳисоби (Management accounting) ва молиявий ҳисоб (Financial accounting) ажралиб чиққан. Ушбу иккита йўналиш бўйича АҚШ ва Буюк Британияда иккита мустақил касб жамиятлари фаолият олиб боради. Мазкур икки йўналишлардан бирига даъвогар бўлган шахслар махсус синовлардан ўтиши ва тегишли квалификацияга (CMA – Certified Management Accountant ёки CPA - Certified Public Accountant) эга бўлиши керак.

Costing термини эса том маънода харажатлар ҳисобини англатади ва амалиётимиздаги ишлаб чиқариш харажатлари концепциясига тўғри келади. Controlling – ишлаб чиқариш ҳисобининг немис концепциясидир. Мазкур концепцияда биринчи навбатда харажатлар миқдори ва ўзгариши назорати ва ундан кейингина маҳсулот таннархини калькуляция қилишга диққат қаратилади. Баъзи бир таржима асарларида мазкур термин харажатлар ҳисоби маъносини ҳам бермоқда ва бу албатта нотўғридир.

Одатда, иқтисодий адабиётларда харажатлар ҳисоби ривожланишининг кўйилган мақсадлар ўзгаришига кўра қуйидаги 4 та босқич санаб ўтилади:

1-босқич 1950 йилгача бўлган даврни камраб олиб, бу даврда таннархни калькуляция қилиш ва бюджетлаштириш усуллари қўллаш орқали харажатларни аниқлаш ҳамда молиявий назорат қилиш бошқарув ҳисобининг асосий мақсади қилиб белгиланган.

2-босқич 1965 йилгача бўлган даврдир. Бу даврда масъулият марказлари бўйича ҳисоб ва қарор қабул қилиш таҳлили каби услубларни қўллаш орқали бошқарувни режалаштириш ва назорат қилиш мақсади учун керакли маълумотларни олишга асосий эътибор қаратилди.

3-босқич 1985 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда жараён таҳлили ва харажатларни бошқаришнинг аниқроқ усуллари қўллаш орқали бизнес-жараёнлардаги маблағлар камомадини камайтиришга асосий эътибор қаратилди.

4-босқичда, яъни 1995 йилга келиб, қиймат кўрсаткичларини баҳолаш ва режалаштириш ташкилий инновацияларни бошқариш ва билимларни капиталлаштириш каби кенг усулларни қўллаш, маблағлардан самарали фойдаланиш билан қўшимча қийматни яратиш орқали бошқаришга асосий диққат қаратилди.

Японияда харажатларни иқтисод қилиш ва самарадорлигини оширишда «Канбан» (яъни, «Аниқ муддатда») тизими қўлланилмоқда. Бу тизим моддий захираларнинг ҳажмини кескин қисқартириш ва капитал айланмасини тезлаштиришга қаратилган. «Канбан» япон тилидан таржима қилинганда «карточка» деган маънони билдириб, бу тизим ишлаб чиқариш ва сотиш моддий захираларсиз ишловчи тизимларга тааллуқлидир. Яъни, захираларни бошқариш фақатгина буюртмалар муддати ва ҳажми, маҳсулотни етказиб беришнинг бир маромлилигига асосланган.

Бу борада изланишлар олиб борган Б.А.Хасанов ва А.А.Хашимовларнинг фикрлари қуйидагича, «Корхона фаолиятида ишлаб чиқариш харажатларини мақбул даражада камайтириб, бозорбоп ва

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқаришни бошқариш ва меҳнатни ташкил қилишда ривожланган мамлакатлар амалиётида фойдаланилаётган илғор усуллардан бири саналган «JT» («Just-in-time» яъни «Аниқ муддатда») тизимини қўллаш ижобий самара беради.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий оқибатларини бартараф этиш ва уни таъсирини юмшатиш мақсадида 2009–2012 йилларга мўлжалланган «Инқирозга қарши чоралар дастури» қабул қилинди. Маҳсулот таннархини пасайтириш жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини барқарор ривожлантиришга, уларнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга олиб келади.

Инқирозга қарши чоралар дастурида «Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш» вазифаси қўйилди. Бу вазифани амалга ошириш қатор омилларга: Биринчидан, пахта тозалаш саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги харажатлар ва даромадлар, баҳонинг оптимал шаклланишига ишлаб чиқаришни мавсумийлик характерининг таъсирига, янги хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланган ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминаллари фаолиятига, шунингдек, пахта тозалаш саноати корхоналарини бошқариш тизимини татбиқ этиш лозимлиги кабиларга боғлиқдир. Иккинчидан, тармоқда кўп укладли мулкчилик шаклларидаги корхоналар ўртасидаги ўзаро мураккаб ҳисоб китобларга асосланган поғонавий молия механизмининг мавжудлиги. Учинчидан, бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартлари талабларидан келиб чиқиб, тармоқда уларни жорий этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш лозимлиги кабиларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг 2009 йил 28 январда қабул қилинган “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган "Инқирозга қарши чоралар дастури"да маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурсларидан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш вазифаси қўйилган.

2.2. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналарида харажатларни ҳисобга олишнинг асосий мақсадларидан бири ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг таннархини тўғри ҳисоблаш лозим. Маҳсулот ишлаб чиқариши билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобининг йиғиндиси бўлиб таннарх ҳисобланади. Маҳсулот таннархини аниқлаш ва харажатларни ҳисобга олиш усуллари таннарх калькуляцияси бўлиб, ҳар бир маҳсулот ҳажмининг бир бирлиги бўйича натижавий кўрсаткичларнинг йиғиндисидан иборат.

Профессор Д.Стоун ва К.Хитчингларнинг фикрига кўра “Доимий харажат - маълум вақт давомида нисбатан доимий бўлиб қоладиган ва ишлаб чиқариш ҳажмининг тебраниш ёки ишчанлик фаолияти муносабати билан ўзгармайдиган харажатлардир. Ўзгарувчан харажатлар ишчанлик фаолияти даражасининг ўзгаришига мутаносиб ўзгарадиган харажатлардир”¹⁵.

Бу тўғрисида республикаimiz иқтисодчи олимларидан М.Умарова «Маҳсулот ҳажмига боғлиқлик нуқтаи-назаридан харажатлар ўзгарувчан ва шартли доимий харажатларга бўлинади. Харажатларнинг бундай гуруҳланиши маҳсулот таннархини ташкил қилувчи харажат моддалари миқдорига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг бир хил таъсир

¹⁵ Стоун Д., Хитчинг К. Бухгалтерский учет и финансовый анализ. СПб. – М.: 1994. – С. 187.

қилмаслиги натижасида келиб чиқади. Харажат моддалрининг айримлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига мутаносиб равишда ўзгаради. Бошқалари эса мутаносиб равишда ўзгармайди”¹⁶ - деб таъкидлаган.

Ф.Ғ.Ғуломова “Ишлаб чиқариш харажатларини тайёрланаётган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш миқдорига боғлиқлигига қараб сарфларни икки гуруҳга ўзгарувчан ва шартли ўзгармайдиган харажатларга бўлишни таклиф этган”¹⁷.

Бошқарув ҳисобида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг қуйидаги усулларидадан фойдаланилади:

1. Норматив усули;
2. Параметрли усул.
3. Коэффициентли усул.
4. Комбинация ва буюртмали усули;
5. Бўлинмали усули.
6. Буюртмали ва жараёнли усули.
7. ЈТ (Just in time);
8. Стандарт – костинг усули;
9. Директ - костинг¹⁸.

“Директ-костинг” усулида даромад ва харажатлар ҳисоботида ишлаб чиқариш харажатларининг туркумларга бўлиниши фойда ҳажмининг маҳсулот сотиш ҳажмига боғлиқлигини аниқлашга ва таннархни назорат қилишга имкон яратади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, ўзгарувчан харажатлар тайёр маҳсулотлар турлари бўйича йиғилади, доимий харажатлар эса алоҳида счётларда йиғилиб, улар қайси даврга тегишли бўлса, ўша даврдаги умумий молиявий фаолият натижалари ҳисобидан қопланади¹⁹.

Ушбу усул бўйича харажатларни ҳисобга олишни янги счётлар режасида қуйидагича акс эттиришни таклиф этамиз: ўзгарувчан харажатлар маҳсулот

¹⁶ Умарова М. Ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: Мехнат, 2004. – Б.163.

¹⁷ Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисоби бўйича амалий қўлланма. – Т.: 2004. – Б.141.

¹⁸ Данилова Н.Ф. Управленческий учет: курс лекции: учебное пособие для вузов. – М.: Экзамен, 2006. – Б. 49-66.

¹⁹ Махмудов. А.Н. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва аудити. – Т.: 2002. – Б.44.

таннархига қўшилганлиги учун 2011-“Материал харажатлари”, 2012-“Иш хақи харажатлари”, 2013-“Ижтимоий суғурта ажратмалари”, 2014-“Асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши”, 2015-“Бошқа харажатлар” счётиларининг дебетида ҳисобга олинса, доимий харажатлар 9410-“Сотиш харажатлари”, 9420-“Бошқарув ва маъмурий харажатлар”, 9430-“Бошқа операцион харажатлари”, 9440-Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириб ташланадиган ҳисобот даври харажатлари” счётиларининг дебетида ҳисобга олинади. Шу сабабли, харажатларни йиғиш ва маҳсулотининг тўлиқ таннархини аниқлаш имконияти чегараланган бўлади. Чунки доимий харажатлар таннарх ташкил топишида бевосита иштирок этмайди.

Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналарида муҳим вазифалардан бири ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини тўғри аниқлашдир. Маҳсулот таннархи уни ишлаб чиқаришга қилинган бевосита харажатларнинг йиғиндисини ифодалайди.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ва харажатларни ҳисобга олиш бошқарув ҳисобининг асосий элементларидан бири ҳисобланади, чунки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи қуйидагилар бўйича бошқарув қарорларининг қабул қилиниши учун асос бўлади:

- қандай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қайсиларини эса тўхтатиш бўйича;

- зарур ёрдамчи маҳсулотларни сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида;

- ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотга баҳо белгилаш борасида;

- ишлаб чиқаришни янги техника билан қуроллантириш бўйича;

- ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни ривожлантириш бўйича берилган тавсияларни асослашда.

- Бошқарув ҳисобида таннарх қуйидаги асосий объектлар бўйича аниқланади:

- алоҳида бўлинмалар бўйича;
- алоҳида маҳсулот турлари бўйича.
- Бунда харажатларни тақсимлаш жараёни икки босқичда амалга оширилади:

- харажатларни улар вужудга келган марказлар бўйича тўплаш;
- харажатларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш.

Харажатларни тақсимлаш деганда, корхона фаолиятида вужудга келган харажатларни аниқ объектлар бўйича гуруҳлаш жараёни тушунилади.

Харажатлар объекти сарфланган харажатлар ҳисобга олиниши зарур бўлган ташкилий бўлимдир.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш таннархи бевосита харажатлар, ресурслардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Корхонадаги моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини пасайтириш имконини беради.

Маҳсулот таннархини аниқлашда калькуляцион бирликни аниқ белгилаш муҳим масала ҳисобланади.

Калькуляция бирлиги - бу калькуляция объекти ўлчовидир. Уни танлаш маҳсулотни тайёрлаш хусусиятлари, номенклатура кенглиги, ўлчашда қўлланадиган бирликлар, амалдаги андозалар ва ишлаб чиқилнадиган маҳсулотнинг техник шартларига боғлиқ бўлади.

Корхоналарда маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив, жараёнли, буюртмали, тўлиқ таннарх, маржинал харажатларни умумлаштириш, харажатларни мутаносиб тақсимлаш, аралаш каби усуллари мавжуд.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив усули харажатлар ҳисоби норматив усулининг таркибий қисми ҳисобланади.

Бу усулнинг афзаллиги унда ҳисоб-китобларнинг оддийлигидир. Ўйидаги сабабларни мазкур усулнинг камчиликларига киритиш мумкин:

– фойдаланилган захиралар миқдори ва уларга қўйилган баҳолар назорати учун меъёрларнинг мавжуд эмаслиги;

– четланиш сабаблари, унинг айбдорлари, жойини аниқлаш ва таҳлил этиш имкониятини йўқлиги;

– ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар ҳисоб-китоблари фақат ҳисобот даври охирида ўтказилиши мумкин ва ҳ.к.

Норматив усулда норматив харажатлар билан ҳақиқий харажатлар ўртасида юзага келадиган фарқ четланиш деб аталади.

Бир дона ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган норматив харажатлар қуйидаги элементлардан иборат бўлади:

– бевосита норматив моддий харажатлар;

– бевосита моддий харажатларнинг норматив миқдори;

– норматив иш вақти (бевосита меҳнат ҳақи харажатлари);

– иш вақтининг нормалаштирилган ставкаси;

– ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатларининг норматив коэффициенти;

– доимий умумишлаб чиқариш харажатларининг норматив коэффициенти.

Ушбу усулни қўллаш қуйидаги афзалликларга эга: ҳар бир харажат тури бўйича норма ва нормативларнинг ўрнатилганлиги, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бирлиги таннархининг норматив калькуляциясини тузиш, амалдаги нормалар ва улардан четланишлар бўйича харажатлар ҳисобини юритиш. Фақат миқдор бўйича нормалардан фойдаланилганда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$X_x = \Phi_{zx} \times (M_\phi \pm M_{xx}) \quad (2.1)$$

бу ерда,

M_ϕ - харажатларнинг норматив миқдори;

M_{xx} - ҳақиқий харажатларнинг нормадан четга чиқиши.

Сарфланган ресурслардан эҳтиёжга мувофиқ нормада

фойдаланилганда қуйидаги формулани қўллаш мақсадга мувофиқ:

$$X_x = (\Phi_{zx} \pm M_{x6}) \times M \quad (2.2)$$

бу ерда,

M_{x6} - сарфланган ресурсларнинг баҳоси ўзгариши натижасида четланишлар.

Сарфланган ресурсларнинг миқдори ва баҳоси бўйича нормалардан фойдаланиб, ҳақиқий харажатлар қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$X_x = (\Phi_{zx} \pm M_{x6}) \times (M_m \pm M_q) \quad (2.3)$$

бу ерда,

M_m - норматив миқдор;

M_q - ҳақиқий харажатларнинг нормадан четга чиқиши (сарфланган ресурслар миқдори ўзгариши сабабли).

Ушбу усул норматив калькуляцияларни ҳар бир буюм бўйича мажбурий дастлабки тузилишини кўзда тутаяди, улар ҳисобот даври бошида амал қилувчи харажатлар нормалари асосида ҳисоб-китоб қилинади. Ташкилий ва илмий-техник тадбирларни татбиқ этиш нормалари ва норматив харажатлар янгиланиши билан норматив калькуляциялар ҳам янгиланади.

Норматив усулда харажатлар нормалар доирасида ва улардан четланишлар бўйича олиб борилади. Мавжуд четланишлар ҳақидаги ахборот маҳсулот таннархини шаклантириш жараёнида тезкор таъсир ўтказиш мақсадида бошқарув қарорлари қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу усулда маҳсулотнинг ҳақиқий норматив таннархи ҳар бир модда бўйича нормалардан четланишларни қўшиш ёки айириш йўли билан ҳисобланади.

Норматив усулдан муваффақиятли фойдаланиш учун қуйидаги шартлар бажарилиши зарур:

- ресурсларнинг барча турлари бўйича норматив асосни аниқлаш;
- норматив калькуляцияларни олдиндан тузиш;
- харажатларнинг келиб чиқиш жойлари, нормалардан

четланишларнинг айбдорлари ва нормалар ўзгариши сабаблари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини қайд этувчи бирламчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси ва бутун корхона бўйича маҳсулотлар таннархини шакллантириш устидан ўрнатилган назорат натижаси бўйича тезкор бошқарув қарорлари қабул қилиш ва хулосалар чиқариш бўйича ишларни ташкил этиш.

Норматив усул омбор хўжалигини тўғри ташкил этишни ҳам талаб қилади. Бунда омборни оғирлик ўлчов жиҳозлари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш бўлинмаларини эса - сув, газ буғ, электр қувватини истеъмол қилиш учун ўлчов асбоблари билан таъминлаш, маҳсулотлар номенклатурасини ишлаб чиқиш, бирламчи ҳужжатлар ва бошқа ташкилий-техник тадбирларни сифатли расмийлаштиришдан иборат.

Шундай қилиб, маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив усули корхоналарда харажатлар ҳисоби хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини аниқроқ ҳисоблашга имкон беради, бундан ташқари бу усул харажатлар бўйича четланишларни батафсил таҳлил этиб, аниқланган четланишлар ва уларнинг сабабларини аниқлашга имкон беради. Демак, мазкур усул харажатларни оператив назорат қилиш ва четланишларни бошқариш учун қулайдир.

Режали (тахминий) таннарх бўйича харажатлар ҳисоби усули норматив усулга қараганда кўпроқ қўшимча афзалликларга эга. Унда норматив ҳажмларга нисбатан режалаштирилган ҳажмларни чуқурроқ асосланганлиги, тахминлар аниқлиги назорат самарадорлигини оширишни таъминлайди. У мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларини ҳисобга олган ҳолда материаллар, ёқилғи, энергия, иш ҳақи ва бошқа харажатларни прогрессив нормаларидан келиб чиқиб ташкил этилади. Бу усулнинг асосий афзаллиги шундаки, унда режали харажатлар эришилган натижага эмас, балки келгусидаги тахминга асосланади.

Технологик жараёнга нисбатан харажатлар ҳисобини жараёнли ва буюртмалар бўйича ташкил этиш мумкин.

Маҳсулот таннархини аниқлашнинг жараёнли усулидан маҳсулот ишлаб чиқаришда хомашёнинг бир неча жараёндан ўтганидан сўнг тайёр маҳсулот ҳолига келадиган ишлаб чиқаришларда фойдаланилади.

Таннархни калькуляция қилишнинг жараёнли усули узлуксиз, бир неча босқичдан иборат жараёнлар бўйича кўп миқдордаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда қўлланилади. Бунда маҳсулот таннархини калькуляция қилиш икки усулда амалга оширилади:

- ўртача ҳисоб усули. Мазкур усулда харажатлар, шу жумладан, ҳисобот даври бошидаги қолдиқ суммаси ҳам қўшилиб, шу даврда ишлаб чиқилган шартли тайёр маҳсулот бирлигига бўлинади;

- ФИФО усули. Бунда ҳисобот даври бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи тугатилади сўнгра янги маҳсулот ишлаб чиқариш амалга оширилади. ФИФО усулини қўллашда бирмунча қийинчиликлар мавжуд, бироқ ўртача ҳисоб усулига нисбатан аниқроқ ҳисобланади.

Харажатлар ҳисобини жараёнли усулининг икки варианты мавжуд: ярим тайёр маҳсулотли ва ярим тайёр маҳсулотсиз.

Ярим тайёр маҳсулотли усулда ҳар бир олдинги қайта ишланган маҳсулот кейинги қайта ишлов учун ярим тайёр маҳсулот ҳисобланади ва у ташқарига сотилиши мумкин. Бу ярим тайёр маҳсулотларни ҳақиқий, норматив ёки режали таннарх бўйича, ҳисоб-китоб ёки маҳсулотни сотиш баҳолари бўйича баҳолаш заруратини белгилайди. Бу вариантда ярим тайёр маҳсулотлар қиймати алоҳида 2100 - “Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар” номли актив счетда акс эттирилади.

Ярим тайёр маҳсулотсиз усулда ҳар бир қайта ишлов бўйича, асосан, фақат ишлов беришга кетган харажатлар олинади. Тайёр маҳсулот таннархи хомашё, дастлабки материаллар харажатлари, барча қайта ишлаш харажатлари ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларини умумлаштириш билан аниқланади. Бунда фақат тайёр маҳсулот таннархи калькуляция

қилинади.

Харажатлар ҳисобининг буюртмали усули хусусий ва майда туркумли ишлаб чиқаришда, шунингдек, тажриба-экспериментал ишлаб чиқаришда ва таъмирлаш ишларида қўлланиши мумкин.

Буюртмали усулнинг моҳияти, бир ёки бир неча хилдаги маҳсулотларнинг унча катта бўлмаган туркумини тайёрлашда ҳар бир буюртма бўйича алоҳида харажатлар ҳисобини амалга оширилади.

Харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни калькуляция қилишнинг буюртмали усули қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- алоҳида буюртмалар бўйича, шунингдек, бир марталик маҳсулот тури ишлаб чиқарилаётганда қўлланилади;

- бу усулда харажатлар муайян ҳисобот даври (бир ой, чорак, йил) оралиғида эмас, балки бажарилаётган буюртма даври бўйича аниқланади;

- қўшимча аналитик маълумотларни йиғиб бориш учун буюртмалар карточкасидан фойдаланиш мумкин. Ушбу буюртмалар карточкасидан харажатлар тегишли жавобгарлик марказлари бўйича йиғиб борилади.

Ушбу усулда барча бевосита харажатлар ишлаб чиқарилган ёки бажарилган буюртма бирлигига олиб борилади. Буюртмали усулда умумишлаб чиқариш харажатлари махсус усуллар бўйича аниқланади ва маҳсулот таннархига олиб борилади. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг энг муқобил усули норматив коэффицентлар усулидир.

Коэффицентларни ҳисоблаш уч босқичда амалга оширилади:

- умумишлаб чиқариш харажатлари режасининг йиллик бюджети тузилади;

- харажатларнинг умумий суммаси режалаштирилаётган ишлаб чиқариш ҳажмига қараб аниқланади. Бунда ходимларнинг меҳнат ҳақи, сарфланган киши соат, сарфланган машина-соат ва ҳ.к;

- режалаштирилаётган ҳисобот даври учун аниқланган умумишлаб чиқариш харажатлари суммаси режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмига бўлинади.

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан сўнг, пул бирлиги, соат ва бошқа исталган ўлчов бирлигида аниқланиши мумкин бўлган умумишлаб чиқариш харажатларининг норматив коэффиценти юзага келади.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини ҳисоблашнинг буюртмали усулида калькуляция объекти бўлиб муайн миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)га олинган буюртма ҳисобланади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)да асосий бухгалтерия ҳисоби ҳужжати бўлиб, буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тузилган шартнома ҳисобланади. Мазкур шартномада куйидагилар ўз ифодасини топади: шартнома объекти, шартнома субъектлари ва уларнинг манзиллари, маҳсулот (иш, хизмат)нинг ҳажми ва юклаб жўнатиш (қабул қилиб олиш) муддати, шартнома баҳоси, тўлов шакллари ва бошқалар.

Буюртмали усулда маҳсулот таннархини ҳисоблаш якка ва туркумли ишлаб чиқаришларда қўлланилади. Буюртмалар бўйича материал, меҳнат ҳақи ва шу каби харажатлар алоҳида тақсимлаш жадвалларида гуруҳланади. Буюртма объектининг таннархи у очилган кундан бошлаб амалга ишлаб чиқариш харажатларининг йиғиндиси суммаси орқали аниқланади. Бунинг учун ҳар бир буюртмага бухгалтерияда алоҳида карточка очилади, унда буюртма бўйича харажатлар буюртмани бажаришнинг бутун муддати мобайнида ҳисобга олинади.

Бевосита харажатлар бирламчи ҳужжатлар асосида цехлар ва буюртмалар бўйича ҳисобга олинади. Бунда ҳар бир буюртма учун алоҳида бирламчи ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Билвосита харажатлар корхонада мутаносиб равишда қабул қилинган тақсимот базасига биноан тақсимлаш йўли билан маҳсулотлар таннархига киритилади. Буюртмани бажариш даврида харажатлар тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ҳисобга олинади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни тугагандан кейин карточка

ёпилади ва буюртмани бажаришга кетган харажатлар ҳисоблаб чиқилади.

Бу харажатлардан қайтарилган чиқиндилар, тузатиб бўлмайдиган брак ва фойдаланилмаган материалларни омборга қайтариш харажатлари чиқариб ташлангач, буюртма бўйича ишланган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи келиб чиқади.

Агар буюртмага мувофиқ бир неча хил буюм тайёрланса, ҳақиқий харажатлар суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига калькуляция моддалари бўйича бўлиш билан бир birlik маҳсулотнинг таннархи аниқланади.

Кўпинча корхона амалий фаолиятида жараёнли усул билан бир қаторда буюртмали усулнинг унсурларини биргаликда қўлловчи аралаш тизимлардан фойдаланилади. Бундай тизимлар туркумли ва серияли маҳсулот ишлаб чиқаришларда қўлланилади. Жумладан, муомалалар бўйича таннарх аниқлаш усули истиқболли аралаш тизимлардан бири ҳисобланиб, унда харажатларни ҳисобга олишнинг асосий объекти муомала ҳисобланади. Умумишлаб чиқариш харажатлари мазкур муомаладан ўтган маҳсулот birlikлари ўртасида асосий ишлаб чиқариш ходимларининг асосий иш ҳақи салмоғига мутаносиб равишда тақсимланади. Асосий материалларга кетган харажатлар ҳам буюртмали усул каби маҳсулотнинг алоҳида тури таннархига киритилади. Муомалалар усулининг афзаллиги калькуляцияни технологик шароитга яқинлаштиришдан иборат.

Халқаро амалиётда корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг счетлар тизимида таннархни шакллантириш усулига қараб харажатлар ҳисобини тўлиқ ёки чекланган таннарх (маржинал даромад усули) бўйича ташкил этишлари мумкин.

Тўлиқ таннарх бўйича харажатлар ҳисоби усулида маҳсулот таннархига доимий ва ўзгарувчан, бевосита ва билвосита харажатларга бўлинишидан қатъий назар, корxonанинг барча харажатлари киритилади. Бевосита маҳсулотга киритиб бўлмайдиган харажатлар аввал улар келиб

чиққан жавобгарлик марказлари бўйича тақсимланади, кейин эса танланган асосга мутаносиб равишда маҳсулот таннархига киритилади. Кўпинча тақсимлаш базаси сифатида ишлаб чиқариш ишчиларининг асосий иш ҳақи, ишлаб чиқариш таннархи ва ҳ.к.лар танланади.

Тўлиқ таннарх бўйича харажатлар ҳисоби усули мамлакатимизда кенг тарўалган ва молиявий ҳисоб ҳамда солиққа тортиш бўйича норматив ҳужжатлар талаблари ва Ўзбекистонда юзага келган анъаналарга мос келади. Бироқ, мазкур усул маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда маҳсулот бирлиги таннархида содир бўладиган ўзгаришларни ҳисобга олмайди.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитида чекланган таннарх яъни маржинал усул бўйича харажатлар ҳисоби усулига алоҳида эътибор берилиши зарур. Бу усулга мувофиқ маҳсулот таннархига корхона харажатларининг ҳаммаси киритилмайди, балки унинг бир қисми - ўзгарувчан харажатлар киритилади. Ушбу усулда доимий харажатларни маҳсулот таннархига киритмайдилар ва шундай харажатлар юзага келганда ўша давр фойдасини камайтиришга йўналтирилади. Ушбу усулнинг асосий афзаллиги доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг бирлашишидан иборат. Ушбу харажатларни бошқариш қуйидаги энг муҳим вазифаларини ҳал этиш имконини беради:

1. Маҳсулот ёки буюртма баҳосининг қуйи чегарасини аниқлаш;
2. Маҳсулот турлари фойдалилигини қиёсий таҳлили;
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай дастурини аниқлаш;
4. Маҳсулот ёки хизматларнинг ўз маҳсулоти ва уларни четдан сотиб олиш ўртасидаги тафовут;
5. Ишлаб чиқариш технологиясини иқтисодий нуқтаи-назардан қулайлигини танлаш;
6. Корхона рақобатбардошлилиги заҳираси ҳамда зарарсизлик нуқтасини белгилаш ва ҳ.к.

Корхоналарда маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари

технология ва ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилишни тақозо этади. Ҳозирги пайтда корхоналарда оддий, жараёнли (шу жумладан, бўлинмали) ва буюртмали усуллар харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни аниқлашнинг норматив усули билан боғлаб олиб борилмоқда.

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счегининг ҳар бир маҳсулот турига очилган аналитик счегларида харажатлар белгиланган харажат моддалари бўйича ҳисобга олиб борилади.

Аналитик счеглар маҳсулотларни қайта ишлашдаги технологик жараёнлар бўйича очилади.

Харажатларни умумлаштириш усули (оддий усул)да маҳсулот таннархи маҳсулотнинг алоҳида қисмлари ёки уларни тайёрлаш жараёни бўйича аниқланади. Бу усул, одатда, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарилганда қўлланилади.

Қўшимча маҳсулотга харажатларни чиқариб ташлаш усули шундан иборатки, бунда ишлаб чиқаришдан олинадиган маҳсулотлар асосий, қўшимча ва ёндошларга бўлинади. Асосий маҳсулот таннархини аниқлаш учун қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар олдиндан белгиланган баҳолар бўйича умумий харажатлардан чиқариб ташланади.

Харажатларни мутаносиб тақсимлаш усули маҳсулотларнинг бир неча турини бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш шарти билан улар таннархини калькуляция қилиш учун қўлланилади. Ушбу усул асосан аралаш маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бунда харажатлар ҳисоби ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар гуруҳи бўйича ташкил этилади, гуруҳлар ичидаги харажатлар эса иқтисодий жиҳатдан асосланган, баъзида мутаносиб равишда маҳсулотларнинг алоҳида турларига тақсимланади.

Калькуляция қилишнинг аралаш усули юқорида санаб ўтилган усулларнинг ҳар бирини алоҳида қўллаш имкони бўлмаса ёки маҳсулот таннархини асосли ҳисобга олиш таъминланса, уларнинг бир нечтасини ўзаро бирикувини ифодалайди.

Хорижий мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг замонавий шароитида стратегик ва тактик хусусиятга эга бўлган бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни корхонанинг харажатлари ва молиявий натижалари ҳақидаги ахборотга таянади. Бу вазифани бажаришда “Стандарт-кост” ҳисоб тизими корхона харажатларини бошқаришда самарали қуроллардан бири ҳисобланади. Унинг асосида белгиланган нормалар доирасида ҳамда улардан четланишлар бўйича ҳисоб юритиш ва назорат қилиш тамойиллари ётади.

“Стандарт-кост” тизимининг таркиби моддалар бўйича харажатларнинг қуйидаги дастлабки (ишлаб чиқариш жараёни бошлангунча) нормаларидан ташкил топади:

- асосий материаллар;
- асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг меҳнат ҳақи;
- ишлаб чиқаришдаги тақсимланадиган харажатлар (ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги ходимлар иш ҳақи, ёрдамчи материаллар, ижара ҳақи, жиҳозлар амортизацияси ва ҳ.к.);
- сотиш харажатлари (маҳсулотни сотиш бўйича харажатлар).

“Стандарт-кост” ҳисоб тизими бўйича фойда қуйидаги тартибда аниқланади:

1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи даромад.
2. Маҳсулотнинг стандарт таннари.
3. Ялпи фойда (1қ-2қ).
4. Стандартлардан четланишлар.
5. Фойда (3қ-4қ).

Стандартлар ва нормалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган калькуляциялар ишлаб чиқариш ва харажатларни тезкор бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Харажатларнинг белгиланган стандарт нормаларидан четланиш даражаси мазкур четланишларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун таҳлил қилинади. Бу эса маъмуриятга ишлаб чиқаришдаги камчиликларни тезкор бартараф этишга, келажакда ҳам

уларнинг олдини олишга имкон яратади.

Шуни таъкидлаш керакки, “Стандарт-кост” ҳисоб тизими хориж амалиётида норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилмаган, шу сабабли бу тизим стандартларни белгилашни ва ҳисоб қайдномаларини юргизишнинг ягона усулига эга эмас, натижада биргина корхона ичида ҳам базисли, жорий, мутлақ, тахминий ва енгиллаштирилган каби турли нормалар амал қилади.

Нормаларни белгилашда маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур хомашё, ишчи кучи ва хизматлар харажатини табиий ҳолда ифода этишга имкон берувчи миқдорий стандартлардан кенг фойдаланилади.

Маҳсулотнинг стандарт таннархини аниқлаш учун хомашёнинг норматив харажатлари, ишчи кучи ва тақсимланадиган харажатлар умумлаштирилади.

“Стандарт-кост” ҳисоб тизимидан фойдаланадиган корхоналар одатда, қуйидаги харажат моддалари бўйича ҳисобни ташкил этадилар: (2.1-жадвал).

- хомашё харажати бўйича четланишлар;
- меҳнат ҳақи бўйича четланишлар;
- умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича четланишлар;
- давр харажатлари бўйича четланишлар.

“Стандарт-кост” ҳисоб тизимидаги асосий талаб - бу харажатларнинг белгиланган нормаларидан четланишлари устидан назорат бўлиб, у харажатлар стандартларини такомиллаштиришга имкон беради. Агар бундай назорат қўлланилмаса, у ҳолда “Стандарт-кост” тизимининг қўлланиши шартли бўлиб қолади ва ижобий натижа бермайди.

«Стандарт-кост» ҳисоб тизими қуйидаги афзалликларга эга:

– «Стандарт-кост» тизими харажатларни оператив бошқаришга кўмаклашади. Четланишларни ўрганишда эътибор режа ва нормативлар мос келмайдиган объектларга қаратилади. «Стандарт-кост» тизимида четланишлар бошқа тизимлардан кўра тезкор ва анча аниқ ҳисобланади;

2.1-жадвал.

2014 йилда “Стандарт-кост” усулида тўқимачилик корхоналарининг харажатлари бўйича четланишлар таҳлили²⁰

(минг сўмда)

№	Харажат-лар	“Қамаши ХБК”			“Боғот-текстил”			“Сурхонтекстил”		
		Режа	Ҳақи-қатда	Четла-ниш	Режа	Ҳақи-қатда	Четла-ниш	Режа	Ҳақи-қатда	Четла-ниш
1.	Ишлаб чиқариш харажатлари	1185021	1249946	-64925	10004000	10703539	-699539	6758000	5739385	+1018615
2.	Сотиш харажатлари	32540	29558	+2982	24500	23205	+1295	18320	15809	+2511
3.	Маъмурий харажатлар	33700	27650	+6050	158812	146716	+12096	160200	144959	+15241
4.	Иш хақи харажатлари	99875	105950	-6075	700050	732157	-32107	988450	1196700	-208250
5.	Бошқа операцион харажатлар	82210	65691	+16519	625400	527418	+97982	500600	472060	+28540
	Жами									

²⁰ “Қамаши ХБК”, “Боғот-текстил” ва “Сурхонтекс” корхоналарининг 2014 йил ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган

– ишлаб чиқариш технологияларини модернизация қилиш ва кўллашга кўмаклашади. Инвестициялар асосан тежамли технологияларга йўналтирилиши лозимлиги сабабли, ишлаб чиқариш технологиялари доимо қайта кўриб борилади. Зарур пайтда фойдаланилаётган айрим элементларгина эмас, балки бутун технология ҳам қайта кўриб чиқилиши мумкин;

– харажатларни қаттиқ ва аниқ назорат қилишни таъминлайди.

«Стандарт-кост» ҳисоб тизими тайёр маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари аниқ баҳоланишини назарда тутди. Норматив харажатлар бу тизимда нафақат ўртача норма, балки аввалги йиллар тажрибаси асосида синалган комплекс баҳолаш мезонларидир.

2.2-жадвал.

2014 йилда тўқимачилик корхоналари харажатларини вертикал таҳлили ²¹

(минг сўм)

№	Харажатлар	“Тошқаятестил” ҚК		“Қамаши ХБК”		“Боғот-текстил”		“Сурхонтекст”	
		Сумма	% да	Сумма	% да	Сумма	% да	Сумма	% да
1.	Ишлаб чиқариш харажатлари	17553429	81,2	1249946	87,9	10703539	88,2	5739385	75,8
2.	Сотиш харажатлари	63379	0,29	29558	1,99	23205	0,19	15809	0,21
3.	Маъмурий харажатлар	867880	4,02	27650	1,87	146716	1,21	144959	1,92
4.	Иш хақи харажатлари	1176214	5,44	105950	7,16	732157	6,03	1196700	15,8
5.	Бошқа операцион харажатлар	1943355	9,05	65691	1,08	527418	4,37	472060	6,27
6.	Жами	21604257	100	1478795	100	12133035	100	7568913	100

Юқоридаги жадвал натижаларидан кўришимиз мумкинки, тўқимачилик корхоналаридан “Тошқаятестил” ҚКда ишлаб чиқариш харажатлари 81,2 %ни, “Қамаши ХБК”да 87,9 %ни, “Боғот-текстил” корхонасида 88,2 %ни, “Сурхонтекст” корхонасида 75,8 %ни ташкил

²¹ “Қамаши ХБК”, “Боғот-текстил” ва “Сурхонтекст” корхоналарининг 2014 йил ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган

килади. Бундан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш харажатларининг катта қисми Боғот-текстил” корхонасига тўғри келади.

Сотиш харажатлари “Қамаши ХБК”га, маъмурий харажатлар, иш ҳақи харажатлари ва бошқа операцион харажатлар “Тошкяятекстил” ҚКга тўғри келади. Шундай қилиб, юқорида таҳлил қилинган корхоналардан “Тошкяятекстил” ҚКда харажатлари бошқа тўқимачилик саноати корхоналарига қараганда кўпроқ қисмини ташкил этишини кўришимиз мумкин.

Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва самарали бошқариш таннарх аниқлашнинг замонавий тизимларини амалиётга жорий қилишни тақозо этади.

“Директ-костинг” ҳисоб тизими ҳам республикамиз бухгалтерия ҳисоби учун янги тизимлардан ҳисобланиб, бугунги кунда иқтисодий ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Германия ва Австралияда мазкур усул “қисман харажатлар ҳисоби” деб аталади. Британияда у “маржинал харажатлар ҳисоби”, Францияда - “маржинал бухгалтерия” ёки “маржинал ҳисоб” деган номларни олган. Ўзбекистонда эса “чекланган, тўлиқ бўлмаган ёки қисқартирилган таннарх ҳисоби” тушунчалари қўлланилиб келмоқда.

Ғарб мамлакатларида маржинал даромад усулидан ишлаб чиқаришни (экстенсив) ривожлантириш модели ўрнига янги модел - интенсив ривожланиш модели сифатида фойдаланила бошланди. Бундай моделдан фойдаланиш, ўз навбатида, харажатларни бевосита ва билвосита, асосий ва кўшимча, доимий ва ўзгарувчан харажатларга аниқ бўлишни ва шу асосда бошқаришнинг стратегик вазифаларини ҳал этишни талаб қилади.

Шуни назарда тутиш керакки, “Директ-костинг” тизимининг пайдо бўлиши соф бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ эди. Ҳисоб ходимлари ўша даврда шундай хулосага келишдики, барча харажатлар мазкур ҳисобот даврига ва шу даврдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот билан боғлиқ яъни улар маҳсулот сотилгандаги ҳисобот даврига тегишли бўлиши лозим.

“Директ-костинг” тизимининг асосий мақсади корхона харажатларини ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ ҳолда доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишдан иборат.

Дастлабки босқичда таннархга фақат ўзгарувчан харажатлар киритилар эди, доимий харажатлар эса корхонанинг молиявий натижаларига ҳисобдан чиқарилар эди. Direct-Costing-System (бевосита харажатлар ҳисоби тизими)нинг номи ҳам шундан келиб чиққан, кейинроқ “Директ-костинг” тизими шундай ҳисоб тизимига айландики, унда таннарх фақат бевосита ўзгарувчан харажатлар қисмида ҳисоб қилинадиган бўлди. Мазкур номдаги бир қатор шартлиликлар ана шундан келиб чиққан.

“Директ-костинг” ҳисоб тизимида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тизими қуйидаги кўринишда акс эттирилади (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

“Боғот-текстил” ҚК МЧЖнинг кўрсаткичларини “Директ-костинг” ва тўлиқ таннарх усулида қиёсий таҳлили

№	“Директ-костинг” тизими бўйича	Сумма	Тўлиқ таннарх усули бўйича	Сумма
1.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум	11265634	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум	11265634
2.	Ўзгарувчан харажатлар (сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархи)	1070359	Сотилган маҳсулотларнинг тўлиқ таннархи	11400878
3.	Маржинал даромад	562095	Асосий (операцион) фойда (зарар)	-135244
4.	Доимий харажатлар (давр харажатлари)	697339		
5.	Асосий (операцион) фойда (зарар)	-135244		

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “Директ-костинг” усули ва тўлиқ таннарх усули ўртасидаги фарқли жиҳатлар мавжуд. Шунга кўра, “Директ-костинг” усули қуйидаги хусусиятларга эгадир:

- Биринчи навбатда маржинал даромадни аниқланиши;
- Фақат ўзгарувчан харажатлар нуқтаи-назаридан ҳисобга олиш ва шу асосда таннархни аниқлаш;
- Доимий харажатлар ва уларни якуний натижасини аниқлашда

асосий фаолият фойдаси (зарар)ни таҳлил қилиш;

- Баҳони тезкор бошқариш орқали маржинал даромадни аниқлаш;
- Маҳсулот сотиш ҳажми, таннарх ва фойда ўртасидаги фарқ ва боғлиқликни;
- Зарарсизлик нуқтасини аниқлаш.

Амалиётда “Директ-костинг” тизимини турли вариантларда қўллаш имконияти мавжуд. Бевосита харажатлар бўйича калькуляциялашни кўзда тутувчи классик “Директ-костинг” тизимида харажатларни калькуляциялаш ўзгарувчан харажатлар бўйича амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона ва тўлиқ қуввати бўйича фойдаланиш харажатларини калькуляциялаш жараёнига барча ўзгарувчан харажатлар ҳамда умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми киради. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициентига мувофиқ аниқланади.

2.3.Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини калькуляция қилишни халқаро усуллар асосида такомиллаштириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида амалиётда қўлланилаётган “Стандарт-кост”, “Директ-костинг”, “ЛТ” каби харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни ҳисоблашнинг усуллари каторида ривожланган давлатларда “Таргет-костинг”, “Кайзен-костинг” ва “Кост-Киллинг” каби замонавий усуллар ҳам қўлланилмоқда.

Бу усулларнинг афзалликлари, ижобий тарафлари ва камчиликлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

“Таргет-костинг” усулининг мақсади маҳсулот таннархида харажатларни камайтиришнинг инновациялар ҳисобига техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган замонавий усулдир.

“Таргет-костинг” усули янги буюмни лойиҳалаштириш ва эскирган маҳсулотни замонавийлаштириш босқичида қўлланилиб, маркетинг

тадқиқотлари ёрдамида маҳсулотларнинг (хизматларнинг) бозор баҳосини ўрнатишга қаратилган бўлади.

Биз иқтисодчи М.К.Попованинг “Таргет-костинг усулини “Таннарх=Баҳо–Фойда” формуласи билан аниқланади”²² - деган фикрини ўринли деб ҳисоблаймиз”.

Шунингдек, олиманинг таъкидлашича, лойиҳалаштирилаётган маҳсулот ёки модернизацияланаётган буюмни кутилаётган таннархининг мақсадли параметрлари унинг маҳсули ҳисобланади. Шу асосида келажакда яратиладиган буюмнинг баҳоси ва фойда меъёри учун зарур харажатлар ҳажмига мос конструкция, материаллар, технологиялар қидирилади.

Иқтисодчи олимлар А.Махмудов ва Г.Джумаевалар томонидан “Харажатларни мақсадли бошқариш тизими “Таргет-костинг” оддий тушунчага асосланади, агар муваффақиятли бизнесга эришмоқчи бўлсак, маҳсулот ишлаб чиқаришда бозор нархидан юқори бўлмаган нархда ишлаб чиқариш, яъни келажакдаги маҳсулот таннархини аниқлаш айнан шу нархни белгилашдан бошланиши керак. Бунга қиймат аниқлашни анъанавий усулини оддийгина тескарисига ўгириб қўйиш орқали эришилади, яъни олдин ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотимизни бозор нархи аниқланади, кейин кутилаётган даромад миқдори, ундан сўнг таннарх аниқланади.”²³ деб берилган таъриф бугунги кунда ўз аҳамиятига эга.

Мазкур усулни қўллашнинг мураккаблиги шундаки, янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун харажатларни мақсадли камайтиришга кўп вақт ёки жиддий инвестициялар талаб этилади. Бундан ташқари, корхона ўз маҳсулоти таннархини белгиланган даражадан ҳам пасайтириш

22 М.К. Поповская Преимущества и недостатки систем управления затратами. <http://www.rae.ru/forum2012/327/3307>.

23 А.Н. Махмудов, Г.А. Джумаева «Бошқарув ҳисобида харажатларни ҳисоблашнинг таргет-костинг усулидан фойдаланиш». «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш истиқболлари». Республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. –Тошкент давлат Иқтисодиёт университети, 2012 йил, 80-81 бетлар.

имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Чунки, маълум чегарадан кейин таннархни камайтириш – бу сифатни пасайишига олиб келади. Натижада эса, бу маҳсулотга бозорда талабни камайиши, яъни сотилмай қолиши мумкин.

Айниқса, захираларни бошқаришда логистиканинг аҳамияти катта. Товар-моддий захиралар транспорт, ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги боғловчилик вазифасини бажаради. Ҳозирги шароитда захиралар миқдори тез ўзгараётган талаб ва корхона ишининг бир маромдалигини таъминлаш билан мос бўлиши талаб этилади.

Логистика тизимларида захираларни сақлаш билан боғлиқ муомала вақти ва харажатларини қисқартиришга алоҳида эътибор берилади, булар логистик харажатларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Шу сабабли омборхона хўжалигини ташкил қилиш, ортиш - тушириш воситаларини қопларга жойлаштириш воситаларини қўллаш ва сақлаш логистика тизимининг муҳим соҳаси ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, Япония корхоналарида кенг қўлланилаётган логистикага асосланган Канбан усули Европадаги «Аниқ муддатда» усулининг таъминот ва сотиш тизимини ташкил қилишнинг кенг тарқалган кўринишидир. Канбан тизимидан фойдаланувчи япон фирмалари моддий бойлик манбаларини фақат ишончли таъминотчилардан харид қилишга ҳаракат қиладилар ва уларни ўз талабларига қарам қилиб қўядилар.

Захираларни пасайтиришга ҳаракат қилиш натижасида корхоналарда ишлаб чиқариш муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш усули ҳам шаклланади. Захираларнинг тўпланиши ва уларнинг юқорилаган хажми турли хилдаги жиҳозларнинг бузилиши ва уларнинг тўхтаб қолишини яширишга имкон яратади. Чунки захиралар минималлашган шароитларда ишлаб чиқариш аввалги босқичдаги технологик жараёнда брак маҳсулот чиқарилиши билан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Натижада CANBAN тизимининг асосий талаби бўлган «захиралар йўқлиги» билан бирга нуқсонлар (браклар) йўқлиги» талаби ҳам юзага келади. CANBAN тизимини у билан бирга сифатни бошқаришнинг комплекс тизимини жорий қилмай туриб юритиш мумкин эмас.

CANBAN тизимининг зарурий элементлари куйидагилардир:

- нафақат карточкаларни, балки ишлаб чиқариш, транспорт ва таъминот жадваллари, технологик хариталарни ўз ичига олувчи ахборот тизимини шакллантириш;

- маҳсулот сифатини назорат қилиш тизимининг умумий (TQM) ва танловли тизимини жорий этиш;

- ишлаб чиқаришни таъминоти ва сотиш жараёнини оптималлаштириш, мувофиқлаштириш тизимининг мавжудлиги.

CANBAN тизимининг асосий афзалликлари куйидагилардир:

- ишлаб чиқаришнинг қисқа жараёнлиги бўлиши, активлар, шу жумладан захираларнинг юқори тезликда айланиши;

- ишлаб чиқариш ва товар захираларини сақлаш харажатларига, ортиқча захираларнинг тўпланишига йўл қўймаслик;

- ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида маҳсулот сифатининг юқори даражада бўлишига эришиш.

“Кайзен-костинг” усули – бу мақсадли таннархга эришиш босқичида маҳсулотнинг смета ва мақсадли таннархи ўртасида 10 фоизгача четланишга йўл қўйилади. Агар “Таргет-костинг” усули янги маҳсулотни смета лойиҳалаштириш босқичида қўлланилса, “Кайзен-костинг” усули маҳсулотни ишлаб чиқариш босқичини ўзгартирилмаган ҳолда фойдаланилади.

“Кайзен-костинг” усули япон тилидан олинган бўлиб, “Кичик қадамлар билан катта ютуққа эришиш” деган маънони англатади. Бу усулнинг камчилиги, ходимларни мотивация орқали доимо моддий рағбатлантириб боришнинг зарурлиги ва уларнинг корпоратив ахлоқи, маданиятини ошириб бориш талаб этилишидир.

Кайзен кост тизимининг анъанавий тизимдан фарқли жиҳатларининг таҳлили

Хусусиятлар	Кайзен кост тизими	Анъанавий бошқарув тизими
Мақсад	<ul style="list-style-type: none"> – Ходимни ихтирочилик ва кашфийётчиликка жалб этиш ва қобилиятини тўлиқ намоён этишга рағбатлантириш; – Ишчи, муҳандис-техник ходим ва менежерлар ўртасида мустақкам алоқа ўрнатиш; – иқтисодий фойда олиш. 	<ul style="list-style-type: none"> – иқтисодий фойда олиш.
Имкониятлари	<ul style="list-style-type: none"> – кўплаб жуда кичик ўзгаришлар (масалан, исталган шаклни қайта кўриб чиқиши ва ўзгартириши мумкинлиги); – кундалик муаммоларни зудлик билан ва тезкор бартараф этилиши 	<ul style="list-style-type: none"> – бир неча катта ўзгаришларни амалга оширишдаги тўсиқлар (масалан, кўплаб ишлаб чиқариш жараёнини ўзгартириш)
Иштирок этиши	<ul style="list-style-type: none"> – 50% ва ундан юқори – кўплаб ғоялар асосида танлов, муҳокама асосида қабул қилинади. 	<ul style="list-style-type: none"> – 5% ва ундан кам – кўплаб ғоялар қабул қилинмайди.
Амалга ошириши	<ul style="list-style-type: none"> – ходимлар кўпроқ ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этади – тезкор – амалга оширилган таклифлар = такомиллашган ғоя (ходимлар томонидан жуда кўп таклифлар берилади, натижада такомиллашган ғояга айланади) 	<ul style="list-style-type: none"> – Муҳандислик тизими ва хулосасига боғлиқлиги – Секин, чўзилган тизимда ходимларнинг жавобгарлиги ва ҳисобдорлиги сусаяди. – Таклиф = такомиллашган ғоя
Қабул қилиш даражаси	<ul style="list-style-type: none"> – 100% га яқин 	<ul style="list-style-type: none"> – тахминан 25%
Бошқарувчи	<ul style="list-style-type: none"> – Кўп вақт ғояларни амалга ошириш, қайта мушоҳада қилиш ва рағбатлантиришга сарф этилади. – Мутахассис ва ишчилар 	<ul style="list-style-type: none"> – Аксарият вақт амалга ошмаган ғояларни таҳлил қилишга ва четга сурилган ғоялар бўйича изоҳ беришга сарф қилинади. – Менежер
Ҳар йили қабул қилинадиган таклифлар	<ul style="list-style-type: none"> – Минглаб 	<ul style="list-style-type: none"> – Юзлаб
Энг катта ютуғи	<ul style="list-style-type: none"> – Баҳоларнинг ўзгариб туриши шароитида аралаш ассортимент таъминоти ва сотиладиган маҳсулотларини туриб қолишини олдини олиш 	<ul style="list-style-type: none"> – Катта миқдорда моддий-техника таъминотини ташкил этиш
Ишга ундовчи (мотивациялаш) хусусияти	<ul style="list-style-type: none"> – Ички қониқиш ҳосил қилиш – шахсий ривожланиш ва тан олинди. – Тез-тез муқофотланиши ва қайта алоқа боғланиб туришга ундаш (тесқари алоқа) 	<ul style="list-style-type: none"> – Ташқи муқофотлар (камдан кам ҳолатларда моддий - пул билан)

Иқтисодчи олима О.Д.Каверинанинг таъкидлашича “Кайзен-костинг тизимининг асосий функцияси маҳсулотнинг режалаштирилган

(лойихалаштирилган) ва ҳақиқий таннархи ўртасидаги алоҳида олинган харажат моддалари бўйича фарқни камайтириш ҳисобланади. “Кайзен-костинг” тизимини нафақат бюджет билан ҳисоб-китоблар жараёнида, балки маҳсулотнинг ҳақиқий таннаrxини ҳисоблашда ҳам фойдаланилади”.²⁴



2.2-расм. Кайзен тизими соябони: тизимнинг моҳияти, самараси, қўлланиладиган усуллари ва элементлари

“Кайзен-костинг” усулида смета таннарх билан мақсадли таннарх ўртасидаги фарқни қисқартириш “Кайзен-топширик” деб аталади ва у корxonанинг муҳандисларидан тортиб, то менежерларигача бўлган ходимларни бошқарув тизими орқали вазифани бажариши лозим бўлган барча рағбатлантириладиган мутахассисларни қамраб олади.

²⁴ О.Д. Каверина Современные системы калькулирования себестоимости. http://www.elitarium.ru/2012/03/20/sistemy_kalkulirovaniya_sebestoimosti.html.



2.3-расм. Кайзен тизими пирамидасида харажатлар усуллари ва уларнинг жавобгарлик марказлари бўйича тақсимланиши

Корхона харажатларини камайтиришнинг яна бир тизими – “Кост-киллинг” деб аталади. Унинг мақсади, корхонада харажатларни имконият даражада камайтириш ва яхлит ҳолатда корхона фаолияти самарадорлигини ошириш учун резервларини аниқлаш ҳисобланади.

“Кост-киллинг” ички ва ташқи турларга бўлинади. Ички “Кост-киллинг”да корхона ичида харажатларни камайтириш мақсадида мураккаб, махсус меҳнатга ҳақ тўлаш тизими яратилиб, бунда ходимлар меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни иқтисод қилганлари учун рағбатлантирилиб борилади, камомад ва ортиқча харажатларга йўл қўйган ходимларга нисбатан амалдаги қонунчиликка биноан маъмурий жазо чоралари қўлланилади.

Ташқи “Кост-киллинг”да харажатларни камайтиришнинг асосий омили мол етказиб берувчилардан харид қилинадиган товарлар ва

хизматлар баҳосини пасайтириш, яъни ташқи бозордаги шерикларнинг кулай, арзон ва сифатли товарларни (иш, хизматларни) корхонага жалб этиш орқали маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобланади.

2.5-жадвал.

Кайзен тизими ва инновациянинг қиёсий тавсифи

ОМИЛЛАР	КАЙЗЕН КОСТ ТИЗИМИ	ИННОВАЦИЯ
Такомиллаштириш ҳажми	Кичик ривожланиш ва тадбиркорлик йўли танланади	Йирик ривожланиш ва глобал иқтисод йўли танланади
Такомиллашув асоси	Одатда билим ва тафаккурга асосланади яъни ақлий салоҳият	Технология ёки ускуналарда
Асосий ресурс	Шахсий ёки хусусий маблағлар	Инвестиция қилинган маблағлар
Ходимларнинг иштироки	Кўп одамлар	Бир неча ўз соҳасининг мастерлари
Йўналтирилганлиги	Жараёни такомиллаштириш	Натижани ошириш
Иқтисоднинг ривожланиш даражаси	Ҳатто иқтисодиёти ривожланмаган мамлакатларда ҳам қўлланилиш имконияти мавжудлиги	Асосан иқтисодиёти ўртача ёки зўр ривожланган мамлакатларда

Бозор иқтисодиёти шароитида асосий эътибор тезкор таъминот, материалларнинг эҳтиёжга яраша ҳажмини харид қилишга ва кичик тўпламларда маҳсулотлар ишлаб чиқариш қаратилади. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлигини таъминлайди ва керак бўлганда бозор талабларига мувофиқ янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтишни тезлатишга имкон беради. Шунинг билан бу босқичда логистиканинг

мақсади асосий ишлаб чиқаришни белгиланган вақт тартибида, энг кам харажатлар билан керакли моддий бойлик манбалари билан таъминлашни режалаштириш, тартибга солиш ва назорат қилишдан иборат бўлади.

Юқоридаги келтирилган халқаро амалиётда қўлланилаётган таннархни калькуляция қилиш усуллари республикамиз корхоналарида уларни ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кенг жорий этиш самарали натижалар бериши мумкин деб ҳисоблаймиз.

III БОБ. ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Харажатлар ва маҳсулот таннархи таҳлилининг ахборот манбалари ва қўлланиладиган усуллари

Тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятида харажатлар ва маҳсулот таннархини таҳлил қилишда, авваломбор, унинг олдида қўйган вазифаларини бажаришда ўзига хос бўлган таҳлил усуллари қўлланилади.

Тўқимачилик саноати корхоналари фаолияти таҳлили жараёнида ўзига хос ва мос бўлган аниқ ёндашувлар ва махсус усуллар ишлатилади.

Шу сабабли, ушбу корхоналарда таҳлилни ташкил этишда молиявий ҳисоботдаги хўжалик операцияларини мантиқан тиклаш ва бухгалтер ишини орқага қайтариш қобилиятига эга бўлиши муҳим аҳакмият касб этади. Бундан ташқари, иқтисодий назария, бухгалтерия ҳисоби, иқтисод, молия, банк иши, аудит, ички аудит ва бошқа махсус фанлар ўртасидаги боғлиқликни билиши лозим. Бутун ва қисман ўрганишда таҳлил ва синтез бирлиги тамойили ишлатилади. Таҳлил жараёнида бутунлик таркибий қисмларга бўлиб ўрганилади. Бироқ бунинг ўзи етарли бўлмайди.

Шунга кўра, ушбу таҳлилда алоҳида натижалар олиниб, улар умумлаштирилади ва таҳлил синтез билан тўлдирилиши лозим.

Шунинг учун, маълумотларни таҳлил қилишда жадвалларнинг тўғри тузилишига алоҳида аҳамият бериш лозим. Чунки таҳлилнинг сифати кўп жиҳатдан жадвалларнинг тўғри тузилишига боғлиқ бўлади. Жадваллар тўғри тузилмаса, иқтисодий жараёнларнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳамда уларнинг ривожланишидаги қонуниятларни аниқ кўрсатмайди.

Тўқимачилик саноати корхоналари фаолият маҳсулот таннархини ўрганишда ва комплекс таҳлил қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва уни қуйидаги жадвалда келтириб ўтамиз (3.1-жадвал):

Демак, таҳлил қилиш учун ахборот манбаларининг тўғри ва аниқ даражаси муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун, оператив, бухгалтерия

3.1-жадвал.

Тўқимачилик саноати корхоналарида маҳсулот таннархини таҳлил қилиш усуллари²⁵

№	Фойдаланилган усуллар	Моҳияти
1.	Ҳисоблаш усули	Қаср сонларни яхлитлаш, катта қийматларни минг ва млн. сўмларда ифодалаш, мураккаб кўрсаткичларни соддалаштириш ёки уни тўлдирувчи қўшимча кўрсаткичлар ҳисобланади;
2.	Таққослаш усули	Кўрсаткичларни бир бири билан таққосланиши таъминланади;
3.	Ўртача кўрсаткичларни ҳисоблаш ва улардан фойдаланиш	Ўртача ўлчам арифметик кўрсаткичлар жамида салмоғи ҳар хил бўлган бир неча хилма-хил вариантларнинг ўртача кўрсаткичларини ҳисобланади; (корхонада ишлаётган ишчиларнинг ўртача иш ҳақларини ҳисоблаш, цех бўйича ўртача меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш)
4.	Вариация кўрсаткичларини ҳисоблаш	Вариация коэффициентларини ҳисоблашда нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Масалан, корхона ишчилари томонидан ўтган ва ҳисобот йилларида ишлаб чиқариш нормаларини бажариш фоизлари 115 ни ташкил этган, яъни ўзгармаган. Шу кўрсаткичларга асосланган ҳолда вариация коэффициентини ҳисобласак, у ўтган йили 12,84% ни, ҳисобот йилида эса 11% ни ташкил этган. Бу эса ўтган ва ҳисобот йилида корхонада ишчилар томонидан ишлаб чиқариш нормаларини бажариш суръатлари яхшиланганини, фоизлар орасидаги силжишлар стабиллашганини кўрсатади, яъни корхонанинг сифат кўрсаткичлари яхшиланган;
5.	Гуруҳлаш усули	Ўрганилаётган иқтисодий воқелик ўхшаш белгиларига қараб гуруҳларга ажратилади
6.	Кўрсаткичларда баланс боғланишини таъминлаш	Корхона ҳисоботидаги рақамлар тўғрилигини текширишда ишлатилади

ва бошқа статистик ахборотлардан фойдаланувчилар турли таваккаллар

²⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

мавжудлигини унутмасликлари лозим. Улар қуйидагилардан иборат:

– қочиб бўлмайдиган таваккалчилик (даромад олишга қаратилган ихтиёрий фаолият билан боғлиқ йўқотишлар таваккали, нохуш шароитлар, тасодифлар ва ҳ.к.);

– аудиторлар томонидан текширилган, бухгалтерия ҳисоботларига ишонч билан боғлиқ бўлган таваккалчилик;

– инсон омили билан боғлиқ бўлган бухгалтерия таваккалчилиги.

Шунга биноан, таҳлилий жараённинг ўзига хослиги тушунчаси, ундаги инсон омили ва таваккалчиликнинг ўрни таҳлилчиларнинг юқори касбий даражаси шаклланиши учун муҳим шарт-шароитлардан бири бўлиб ҳисобланади.

3.2-жадвал.

Тўқимачилик саноати корхоналарида таҳлилнинг маълумот манбалари²⁶

№	Маълумот манбалари
1.	Дастлабки маълумотлар ва ҳисоб маълумотлари
2.	Бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари
3.	Моддий, меҳнат воситалари сарф харажатлар ва таннархни акс эттирувчи синтетик ва аналитик ҳисоблар
4.	Таҳлилга тааллуқли ахборотлар
5.	Мемориал ордер-журналлар ва зарур ҳолларда дастлабки ҳужжатлар
6.	Корхонанинг хўжалик ҳисоби фаолияти натижалари ҳақидаги тезкор-ҳисоб маълумотлари
7.	Ўтказилган кузатиш ва аудит маълумотлари

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, аниқ маълумотларга бўлган талаб таҳлил қилинаётган даврга ва таҳлилдан кузатилаётган мақсадга боғлиқдир.

Республикамиздаги тўқимачилик саноати корхоналари ўзи мустақил равишда фаолиятини истеъмолчилар билан тузилган шартномалар, моддий-техника ресурслари таъминотчилари, бозор талабини ўрганган ҳолда келажакда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва сотиш ҳажмини режалаштиради. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини таҳлил этишда маълумот манбалари қуйидагилардир: саноат корхонаси (бирлашмаси)нинг

²⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

маҳсулот ҳақидаги ҳисоботи – 1-шакл “Бухгалтерия баланси”, 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” 2-а-шакл “Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома”, 3-шакл “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида”ги ҳисобот, 4-шакл “Пул оқимлари тўғрисида”ги ҳисобот, 5-шакл “Хусусий капитал тўғрисида”ги ҳисобот, 11-шакл “Мавжуд асосий воситалар ва бошқа номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида”ги ҳисобот, 5-С шакл “Корхона харажатлари тўғрисида”ги ҳисобот, Ф.№1-П, саноат корхонаси (бирлашмаси)нинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақидаги ҳисоботи – Ф.№8-П, саноат корхоналарининг маҳсулот етказиб бериш ҳажми, моддий ресурсларни олиш ва шартномалар тузилишини боришини текшириш – Ф.№1-шартнома; корхонани иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси; Ф.№1-П «Корхонанинг маҳсулот бўйича ҳисоботи», Ф.№11 «Асосий маблағларни ва бошқа молиявий бўлмаган активларнинг мавжудлиги ва ҳаракат қилиши бўйича ҳисоботи», Ф.№11 «Асосий маблағларнинг мавжудлиги ва ҳаракатланиши» ҳисоботи (саноат ва қурилишдан ташқари халқ хўжалигининг барча тармоқлари, корхоналари учун); Ф.№БМ «Ишлаб чиқариш қуввати баланси», Ф.№7 «Омборхоналардаги ўрнатилмаган дастгоҳлар заҳиралари тўғрисидаги ҳисобот»; Ф.№НО-1 «Ортиқчасидан ташқари ўрнатилмаган дастгоҳларни ҳисобга олиш баланси», Ф.№НО-2 «Ўрнатилмаган ортиқча дастгоҳларни ҳисобга олиш баланси», Ф.№1-фондлар «Асосий фондларни ва пул маблағларидан фойдаланишнинг ҳаракатини бир вақтда ҳисоби», Ф.№1-қайта баҳолаш; Ф.№2-КС «Асосий фонд объектлари ва капитал маблағлардан фойдаланиш режасининг бажарилиш даражаси тўғрисида ҳисобот»; Журнал-ордер №13; асосий маблағларни ҳисобга олиш инвентар карточкалари; корхоналарда ўтказилган асосий маблағлар инвентаризацияси маълумотлари, шунингдек, маълумотларни бошқа манбалари, тайёр маҳсулотлар ҳаракати, жўнатилганлиги ва сотилганлиги ҳақидаги ҳисобот - ҳисобот журнал-ордер №11, омбордаги тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш карточкалари, маҳсулот

ишлаб чиқаришни бажарилиши ҳақидаги тезкор (оператив) маълумотлар ва ҳоказолар.

Тўқимачилик саноати корхоналарининг асосий омилларидан бири бўлиб асосан, асосий маблағлар ташкил этади. Уларнинг ҳолати ва фойдаланиш самарадорлиги ушбу корхоналарнинг хўжалик фаолияти натижаларига таъсир кўрсатади.

Тўқимачилик саноати корхоналарининг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш унинг барча техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшиланишига, меҳнат унумдорлигини кўтарилишига, фонд самарадорлигининг ортишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига, таннархнинг пасайишига ва капитал сарф-харажатларнинг иқтисод қилинишига олиб келади.

Асосий фондларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилининг асосий вазифалари корхона ва унинг бўлимларини асосий фондларининг техникавий ҳолатини, айниқса уларнинг фаол қисми – машина ва дастгоҳлар ҳолатини ўрганиш, асосий фондлардан фойдаланиш даражасини аниқлаш; дастгоҳлардан фойдаланиш самарадорлигини вақт бўйича ва ишлаб чиқариш қуввати бўйича аниқлаш; асосий фондлардан фойдаланишнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ва корхонани бошқа иқтисодий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш; асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига фонд самарадорлигини, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда корхона фойдасини ошириш, ички имкониятларни аниқлаб, уларни ишга солиш чора тадбирларини белгилашдан иборат.

Хусусан, тўқимачилик саноати корхоналарида меҳнат ресурсларини таҳлил этиш жараёнида қуйидаги масалалар ўрганилади:

– Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш учун талаб қилинган ишчиларни касб ва малакалари асосида иш жойлари билан таъминланганлиги;

– Ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ресурслари (иш вақти) дан унумли фойдаланилганлиги;

– Меҳнат ресурсларининг самарали ишлатилиши.

Маҳсулот таннархини таҳлил этиш корхона хўжалик фаолиятида катта амалий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Шунинг учун маҳсулот таннархи ҳар томонлама тўлиқ ўрганилиши лозим.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

– маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш сарф-харажатларини камайтириш манбаларини излаб топиш;

– таннарх бўйича режанинг бажарилишини ва унинг аввалги ҳисобот даврига нисбатан ўзгариб боришини объектив баҳолаш, шунингдек амалдаги конунчиликка молиявий ва шартнома интизомига амал қилишини таъминлаш;

– сарф-харажатлар бўйича маъсул бўлган марказларни маҳсулот таннархини шакллантиришни тезкор равишда бошқариши учун таҳлилий ахборотлар билан таъминлаш;

– маҳсулот турлари ва алоҳида ускуналар учун режали ва норматив калькуляциялар, режали сарф-харажатларнинг ҳақиқий ўсиш даражасини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш.

Ушбу вазифалар ва уларни тавсиф қилиш корxonанинг хўжалик фаолиятида маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг катта амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Фойда миқдорининг ошишидан корxonанинг ўзи ҳам, давлат ҳам манфаатдор. Фойданинг ошишига нафақат корхона жамоасининг меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида, бошқа омиллар эвазига ҳам эришиш мумкин. Шунинг учун, ҳар бир корхонада, доимий тарзда фойда шаклланишини, тақсимланишини ва ишлатилишини таҳлил этиб бориш зарур.

Аниқ маълумотларга бўлган талаб таҳлил қилинаётган даврга ва таҳлилдан кузатилаётган мақсадга боғлиқдир.

Асосий маблағлар (кўпинча иқтисодий адабиётларда ва амалиётда асосий фондлар деб ҳам аталадиган) ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳолати ва фойдаланиш самарадорлиги корхонанинг хўжалик фаолияти натижаларига таъсир кўрсатади.

Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш унинг барча техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшиланишига, меҳнат унумдорлигини кўтарилишига, фонд самарадорлигининг ортишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига, таннархнинг пасайишига ва капитал сарф-харажатларнинг иқтисод қилинишига олиб келади.

Асосий фондларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилининг асосий вазифалари корхона ва унинг бўлимларини асосий фондларининг техникавий ҳолатини, айниқса уларнинг фаол қисми – машина ва дастгоҳлар ҳолатини ўрганиш, асосий фондлардан фойдаланиш даражасини аниқлаш; дастгоҳлардан фойдаланиш самарадорлигини вақт бўйича ва ишлаб чиқариш қуввати бўйича аниқлаш; асосий фондлардан фойдаланишнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ва корхона бошқа иқтисодий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш; асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига фонд самарадорлигини, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда корхона фойдасини ошириш, ички имкониятларни аниқлаб, уларни ишга солиш чора тадбирларини белгилашдан иборат.

Меҳнат ресурсларини таҳлил этиш жараёнида қуйидаги масалалар ўрганилади:

1. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш учун талаб қилинган ишчиларни касб ва малакалари асосида иш жойлари билан таъминланганлиги;

2. Ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ресурслари (иш вақти) дан унумли фойдаланилганлиги;

3. Меҳнат ресурсларининг самарали ишлатилиши.

Маҳсулот таннархини таҳлил этиш корхона хўжалик фаолиятида катта амалий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Шунинг учун, маҳсулот таннархи ҳар томонлама тўлиқ ўрганилиши лозим.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш сарф-харажатларини камайтириш манбаларини излаб топиш;

2. Таннарх бўйича режанинг бажарилишини ва унинг аввалги ҳисобот даврига нисбатан ўзгариб боришини объектив баҳолаш, шунингдек амалдаги қонунчиликка молиявий ва шартнома интизомига амал қилишини таъминлаш;

3. Сарф-харажатлар бўйича маъсул бўлган марказларни маҳсулот таннархини шакллантиришни тезкор равишда бошқариши учун таҳлилий ахборотлар билан таъминлаш;

4. Маҳсулот турлари ва алоҳида ускуналар учун режали ва норматив калькуляциялар, режали сарф-харажатларнинг ҳақиқий ўсиш даражасини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш.

Ушбу вазифалар ва уларни тавсиф қилиш тўқимачилик саноати корхонасининг хўжалик фаолиятида маҳсулот таннархини таҳлил қилишнинг катта амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Фойда миқдорининг ошишидан корxonанинг ўзи ҳам, давлат ҳам манфаатдор. Фойданинг ошишига нафақат корхона жамоасининг меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида, бошқа омиллар эвазига ҳам эришиш мумкин. Шунинг учун, ҳар бир корхонада, доимий тарзда фойда шаклланишини, тақсимланишини ва ишлатилишини таҳлил этиб бориш зарур.

«Тошкяятекстил» ҚҚ тўқимачилик корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми сотиш ҳажмига тенг. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ўсиши корхона рентабеллиги, фойда ва харажат миқдори тўғридан-тўғри унинг сифатини ошишига таъсир қилади.

3.2. Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилини такомиллаштириш масалалари

Тўқимачилик саноати корхоналарида дебиторлик қарзлари таҳлиliga алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Корхонада айланма маблағлар таъминотида қийинчиликлар туғилганда ёки банкротлик белгилари аниқланганда у ўзининг ихтиёрида бўлган дебиторлик қарзлари ҳисобидан муаммони ҳал қилишни мақсад қилиб қўяди. Шу нуқтаи назардан, дебиторлик қарзлари айланма маблағларнинг муҳим қисми ва корxonанинг резерви ҳисобланади.

Таҳлил жараёнда корхона баланси активининг маълумотлари асосида дебиторлик қарзларининг тузилиши ва таркиби тадқиқ этилади.

«Тошқаятестил» ҚК тўқимачилик саноати корхонасида дебиторлик қарзлари таркиби ва тузилишининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

3. 3-жадвал.

«Тошқаятестил» ҚК тўқимачилик корхонасининг дебиторлик қарзларининг таҳлили²⁷

Дебиторлар билан хисоблашишлар	Йиллар					
	2007	2008	2009	2010	2011	2011 й. 2007 й. га нис. ўзг.
Харидор ва буюртмачилар қарзи(4000)	308840,6	285528,2	488439,4	806815	2044854	1736013,4
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	526,9		-	-	-	-526,9
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	193396,0	42590,8	43330,8	599217	764827	-1169134
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	308968,5	239611,0	307731,7	231176	37755	-271213,5
Мақсадли давлат жамғармалари бўйича бўнақ тўловлари (4500)	250,4	-	-	-	-	-250,4
Бошқа дебиторлик қарзлар (4800)	146644,8	130726,1	215502,7	388914	263671	117026,2
Жами(210 сатр)	958627,2	698456,1	1055004,6	2026122	3111107	2152479,8

3.3-жадвал бўйича маълумотлар дебиторлик қарзларининг ҳам мутлок миқдоридаги, ҳам тузилишидаги жиддий ўзгаришларидан далолат бермоқда.

²⁷ «Тошқаятестил» ҚКнинг 2007-2011 йиллар ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

Агар 2007 йилда харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар дебиторлик қарзларининг 32,22%ини ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 65,72%га тенг бўлди, яъни 33,5%га ошди.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар 4,41%га ўсган, бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари 31,01 %га, бошқа дебиторлик қарзлар 6,82 %га камайган. Жами дебиторлик қарзлар эса 3,25 %га ошган. Ушбу корхонада дебиторлик қарзлари тузилишидаги ўзгаришлар тўловга қодирлик ёмонлашаётганлигидан далолат беради.

Корхона маблағлари манбаларининг таркибидаги аҳамиятли нисбий қийматни кредиторлик қарзлари эгаллайди. Баланс пассиви маълумотлари асосида кредиторлик қарзларининг таркиби ва тузилиши ўрганилади.

Қуйида “Тошқаятестил” ҚКда кредиторлик қарзларининг таркиби ва тузилишининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

3.4-жадвал.

“Тошқаятестил” ҚК тўқимачилик корхонасининг кредиторлик қарзларининг таҳлили ²⁸

Кредиторлар билан ҳисоблашишлар	Йиллар					
	2007	2008	2009	2010	2011	2011 й. 2007 й. га нис. ўзг.
Мол етказиб берувчиларга қарзлар(6000)	12749022,3	2773621,4	2795872,0	2374701	2929164	-9819858,3
Олинган бўнақлар (6300)	560991,9	316764,0	524336,6	565226	2438250	1877258,1
Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (6400)	9684,6	25916,9	12466,9	53751	176540	166855,4
Суғурталар бўйича қарзлар (6500)	34583,9	81607,9	84859,4	91438	127975	93391,1
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	-	-	-	2622	2330	2330
Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар(6700)	42823,1	124577,6	63561,0	167135	471318	428494,9
Қисқа муддатли қарзлар (6800)	2265925,8	3710307,8	3933123,8	3470255	7585154	5319228,2
Бошқа кредиторлик қарзлар (6900)	175288,9	262078,9	410187,6	190525	31986	-143302,9
Муддати кечиктирилган даромадлар (6200)					151011	
Жами(600 сатр)	15838320.6	7294874.5	7824407.3	6913031	13913728	-1925592.6

²⁸ “Тошқаятестил” қўшма корхонасининг ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган

Жадвал маълумотларига асосан, агар 2007 йилда кредиторлик қарзлари асосан мол етказиб берувчиларга қарзлардан иборат бўлган бўлса, 2011 йилга келиб энг кўп фоизни қисқа муддатли қарзлар 54,52%ни ва олинган аванслар бўйича ҳисоблашишлар 17,52%ни ташкил қилди. Бунинг натижасида кредиторлик қарзларининг бошқа барча кўринишларининг нисбий қиймати пасайди. Ўз навбатида кредиторлик қарзларининг келиб чиқишига дебиторлик қарзлари таъсир этган, чунки дебиторларнинг ўз муддатида корхона билан ҳисоблашишлари унинг тўловга қодирлигини кучайтирган ва кредиторлик қарзларини келтириб чиқармаган бўларди.

Тўқимачилик саноати корхонасининг тўлов лаёқатини баҳолашда одатда куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- мутлақ тўлов лаёқати коэффиценти;
- оралик тўлов лаёқати коэффиценти;
- жорий тўлов лаёқати коэффиценти.

Мутлақ тўлов лаёқати кўрсаткичи корхонанинг жорий активларида ҳаракатчан активларнинг тўлов мажбуриятларини қоплашига етарлилиги ёки етишмаслигини; оралик тўлов лаёқати кўрсаткичи жорий активларда ҳаракатчан ва тез пулга айланадиган активларни тўлов мажбуриятларини қоплашга етарлилиги ёки етишмаслигини; жорий тўлов лаёқати кўрсаткичи эса жорий активларда барча айланма активларнинг тўлов мажбуриятларини тўлашга етарлилиги ёки етишмаслигини аниқлайди.

Корхонанинг тўлов лаёқатига баҳо беришда муқобиллик вариантларини ҳам қўллаш лозим бўлади. Янги очилган ва ҳали фаолият бошламаган корхоналарга кредит бериш юзасидан қарор қабул қилишда, унинг бизнес режа кўрсаткичлари ва у бўйича аниқланган тўловга қодирликнинг эҳтимоллигига, корхонага мақсадли, марказлашган кредит ресурсларининг туширилишига, техник лойиҳалар асосида кредит ажратилиши ва ҳоказоларга аҳамият берилиши муҳимдир.

**“Тошкяятекстил” ҚҚнинг 2011 йилдаги тўлов лаёқати
кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш²⁹**

Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби	Изоҳ
1	2	3
